БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 251 (16.334). | 26 октябрь 1975 йил, якшанба | Баҳоси 2 тийин.

Қашқадарё область. Яккабоғ районидаги Энгельс номли колхоз механизаторлари мўл ҳосилни йиғиштириб олишда баракали ҳисса қўшмоқда. Суратда: район Советининг депутати О. Бойқулова. У «зангори кема» бункеридан 250 тоннадан зиёд «оқ олтин» тўпди.

Н. Содиқов фотоси. (ЎзТАГ).

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ПАХТАЗОР — ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

Мажбурият ҳисобига

Фарғона областидаги Охунбобоев районининг, Тошкент областидаги Пискент районининг, Қорақалпоғистон Автоном Республикасидаги Тахтакўпир ва Ленинобод районларининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС XXV съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақага қўшилиб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планларини муддатидан аввал, 25 октябрда бажардилар.

Охунбобоев районининг пахтакорлари давлат тайёрлов пунктларига 57,9 минг тонна, Пискент районининг пахтакорлари 36,1 минг тонна пахта, Тахтакўпир районининг пахтакорлари 22,8 минг тонна, Ленинобод районининг пахтакорлари 17,5 минг тонна юқори сифатли пахта етказиб бердилар.

Охунбобоев районидаги хўжаликлар шу беш йилликда пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини 110 процент, Пискент районы хўжаликлари 110,5 процент, Тахтакўпир районы хўжаликлари 101,3 процент, Ленинобод районы хўжаликлари 107,2 процент қилиб бажардилар.

Пахта териш ва уни давлатга топшириш давом этмоқда. Охунбобоев районининг қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари ялпи пахта ҳосилни 74,9 минг тоннага, Пискент районы қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари 44,3 минг тоннага, Тахтакўпир районы қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари 25 минг тоннага, Ленинобод районы қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари 20 минг тоннага қарор қилдилар. Охунбобоев районы бўйича пландан ташқари давлатга қўшимча равишда 17 минг тонна, Пискент районы бўйича 8,2 минг тонна, Тахтакўпир районы бўйича 2,2 минг тонна, Ленинобод районы бўйича 2,5 минг тонна пахта сотишга, етиштирилган бутун пахта ҳосилини ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини қисқа муддатда ва сифатсиз йиғиб олишга, чорва қишловини муваффақиятли ўтказишга қарор қилдилар.

ХИРМОН БАРАКАТИ

Ўн йилдан бери терим агрегатини бошқариб келаман. Ўтган йили икки қаторли машинада 180 тонна пахта тергандим.

Совхозимизда йиғим-терими механизациялаштириб, мўл ва арзон ҳосил етиштириб келаётган коллективлардан бири мен ишлаётган бўлимдир. Йиғим-терим ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўрилди. Бу йил бўлимимиз бўйича ялпи ҳосилнинг 90 процента машиналар ёрдамида териб олинганди. Бу йил ҳам бўлимимизда меҳнат қилаётган ҳар бир механизатор зиммага оширилган мажбурият қабул қилган. Мен мавсумда 250 тонна пахта териб бермоқчиман.

Биз машина теримигача мавжуд техникани дала бошига келтириб қўйдик. Бу эса 20 сентябрда терими уюшқоқлик билан бошлаб юбориш имконини берди. Дастлабки иш куни 10 та агрегат ишлади. Кейинчалик 16 та машинанинг ҳаммаси ишга туширилди. Йиғим-терими жадал суръатларда олиб бориш мақсадида бўлимимизда терим агрегатлари 3 группага бўлинди. Ҳар бир группага 4-5 тадан пахта териш машинаси бириктилган.

Мен ана шундай группалардан бирига бошчилик қиламан. Группамизда тўртта машина ишлайди. Бўлимимиз механизаторлари ва группалараро социалистик мусобақа авж олдириб юборилган. Группамиз бўйича мавжуд 4 та машина билан 1000 тонна пахта териш мажбуриятини олганмиз.

Биз коммунист Р. Бегалиев бошлиқ группа билан мусобақадошмиз. Улар ҳам машиналар билан мавсумда 1000 тонна пахта теришга аҳд қилишган. Ҳозир мусобақадош группалар кунига 50-60 тонна пахта теришга эришяпти.

Группамиз механизаторлари ҳам пахта йиғим-теримида кўп пахта териш бўйича давом этаётган мусобақада яхши кўрсаткичларни қўлга киритишмоқда. Йиғим-теримнинг дастлабки куниданоқ астойдил ишга киришиб, ҳар бир агрегатнинг унумли ишлашини таъминладик. Кунлик пахта териш суръатини янада ошириш учун имкониятимиз бор. Биз агрегатларга техника қаровини яхшилай бориб, ҳар бир машина билан бир кунда 8-9 тоннадан «оқ олтин» теришга эришмоқдамиз. Группамиз механизаторларидан С. Бегалиев, К. Қўчқоров, Ж. Қушназаровлар ҳар куни 10-11 тоннадан пахта термоқдалар. Уларнинг ҳар бири мавсум бошидан буён «зангори кема» бункерларидан эл хирмонига 90-100 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Бўлимимиз пахта тайёрлаш планини совхозда биринчи бўлиб бажарди. Биз механизаторлар эрта тонгдан тунгача пахтазорларда тинним билмай ишлаяпмиз. Ҳар биримиз бундан буён ҳам иш кунининг ҳар бир соатидан унумли фойдаланиб «оқ олтин» хирмонига барака киритиш йўлида кучғайратимизни аямаймиз.

Шу кеча-кундузда бутун маҳоратимиз ва куч қувватимизни ишга солиб, группамиз бўйича 1000 тонна пахта териш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятимизни ошириб бажариш учун ҳаракат қиляпмиз. Далаларда терим агрегатлари унумли ишлаб «оқ олтин» хирмонига барака киритяпти.

Х. ТУРДИБОЕВ,
Дўстлик районидаги Қ. Раҳимов номли совхозининг 7-бўлими механизатори.



Самарқанд механизаторларининг аҳди катта. Улар КПСС XXV съезди шарафига социалистик мусобақани қизитиб, машиналари билан 530 минг тонна пахта теришга аҳд қилишган. Ҳозир ҳосилнинг кўп қисми пахта тайёрлаш пунктларига жўнатилган. Суратда: Митон пахта тозалаш пунктида.

Р. Ғафуров фотоси. (ТАСС).

1975 5.200.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 25 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Областлар	Бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада: бир кунда	мавсум бошидан
ТОШКЕНТ	1,05	106,83	0,85	105,91
АНДИЖОН	0,61	104,28	0,58	87,49
ҚҚАССР	1,01	102,04	1,55	89,08
СИРДАРЁ	1,47	101,85	1,12	105,98
Сурхондарё	0,90	95,75	0,75	90,38
Фарғона	0,80	95,23	0,89	72,75
Наманган	0,80	94,65	0,66	82,65
Хоразм	1,05	90,89	0,89	54,28
Қашқадарё	0,80	88,90	0,74	58,11
Жиззах	1,09	85,94	0,16	73,68
Самарқанд	1,04	84,12	1,09	54,27
Бухоро	0,59	67,17	0,13	16,22
Республика бўйича:	0,88	92,82	0,79	74,69
Шу жумладан нигичка толали пахта:				
НАМАНГАН	1,25	148,68		
Сурхондарё	1,28	88,10		
Бухоро	1,43	86,52		
Қашқадарё	0,97	72,94		
Республика бўйича:	1,22	86,17		

БОҒБОНЛАР ЮТУҒИ

КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилган Қўйи Чирчиқ районидаги «Огонёк» боғдорчилик-виночилик совхози коллективи катта ғалаба қозонди. Боғдорчилик — узум маҳсулотлари етиштириш бўйича якунловчи йил ва умуман беш йиллик плани муддатидан олдин бажарилди. Беш йиллик планига қўшимча 1060 тонна узум ва 4705 тонна мева тайёрланди. 1975 йилга олинган узум ва мева етиштириш бўйича социалистик мажбуриятлар ҳам ошириб бажарилди. 1 гектар ердан мева ҳосилдорлиги 166 центнер, узум ҳосилдорлиги эса 192 центнерни ташкил этди.

Мамлакатимизнинг саноат марказларига маҳсулот жўнатиш муваффақиятли олиб борилмоқда. Совхоз 1442 тонна мева ва 911 тонна узум жўнатди. Мева маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича план топшириқ 2 минг тоннадан зиёд қилиб бажарилди. Узумни қайта ишлаш бўйича топшириқ ҳам ортиғи билан адо этилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда хўжалик бу йил 3 миллион сўмга яқин фойда олади.

МЕТАЛЛУРГЛАР ҒАЛАБАСИ

Беш йиллликнинг якунловчи йили учинчи квартали якунлари бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақаларда муваффақиятга эришганликлари учун Олмалиқ кон-металлургия комбинатига биринчи ўрин ҳамда Рангли металлургия министрлиги ва СССР металлургия саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди. Олмалиқлик металлургларнинг Бутуниттифоқ мусобақасида биринчи ўринни сурункасига олтинчи марта эгалламоқдалар.

(ЎзТАГ).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Андижон областидаги пудрат қурилиш ташкилотларининг меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, қурилиш-монтаж ишларини бажариш юзасидан беш йиллик топшириқни бажарганликлари тўғрисида 22 октябрда рапорт бердилар. Андижонлик қурувчилар йил охиригача яна камида 20 миллион сўмлик иш бажариш мажбуриятини олдилар.

* * *

«Ўзгипроводхоз» институтининг коллективи беш йиллик планни бажарди. Топшириққа қўшимча равишда икки миллион сўмликдан кўпроқ лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

МЎЛ ҲОСИЛ ЙЎЛИДА

ПАХТАЗОРДАН РЕПОРТАЖ

Қиличдек тўғри йўлдан кунботар томон боряпмиз. Жанубий Мирзачўл улкан пахта фронтига айланган.

Йўлма-йўл «Тошкент», «Россия» совхозларини ортда қолдириб, «Ўзбекистон» давлат хўжалигига келдик. Пахта далаларида бошқа хўжаликлардаги каби меҳнат симфонияси янграрди.

Пештоқига ол байроқ қоқилган дала шийпони ортидаги картада Қизил вимпелли «зангори кема»лар равон сузади. Поезд вагонлари кун ботгунча тўрт-беш тележка тиркалган «Белорусс»лар ҳосил салмоғидан кўкиш тутун чиқариб, зўриқиб қабул пунктига ошиқади...

Бир томони лотокка пайванд қилинган чайла ёнидаги майдончада одамлар ва тележкалар мавжуд. Сал нарида ертўла. Ёшу-кексага «опа» бўлиб қолган Инобат Охуновани ҳам шу ерда учратдик. У ўзи бош бўлган коллектив кучи билан етиштирилган ҳосил чўғидан мамнун. Биз кечгача директор билан бирга юрдик. Ўнлаб рекордларни кўриб, қалбларимиз қувончга тўлди.

— Олам осмону ерданги-на иборат, деб ўйлаган экан, чўлда адашиб қолган бир киши, дея кулди ола. — Бугун у шу ерда бўлганда «Олам — пахтазорга айланибди» — дерميди! Совхоз директори ўзининг завқлангани яширолмасди. Ахир, унинг ҳисоби бўйича бугун ҳам кўп миқдорда пахта топшириш учун ҳамма имконият бор. Бу 65 гвардиячининг жўшқин, дилдагидек меҳнатининг ифодаси эди. Эртага яна охирги ўнта машинага старт берилади.

— Ҳосилни топширишни ташкил этиш ҳам осон эмасдир? — сўраймиз ундан.

— Ҳар бир бўлимга 20-25 тадан тележка берилди. Қабул пунктида эса ҳар бўлимдан алоҳида одамлар бор. Навбатчилар бўлимдан борган тележкаларнинг тўхтаб қолишига йўл қўймайди.

Омонулло Равшанов, Исор Дастуров сингари бригадир-механизаторлар, Рустам Эгамов, Раҳмат Ҳусанов, Тожибой Мустафоев сингари «зангори кема» капитанлари Абдували Бобоев, Аҳмад Шербеков каби пахта ташувчилар ҳамда кўплаб бригадаларнинг меҳнатидан мамнун бўлиб қайтдик.

— Жонажон партиямизнинг XXV съезди бўладиган кун яқинлашган сари нимаманингдир ташвиши кучайгандек бўлаверади, — дейди Инобат Охунова. — Бу зафар ташвиши, муносиб тўҳфа ташвиши... «Мирзачўлда, Сурхон-Шеробод водийсида, суғориладиган майдонларни кенгайтириш ишлари давом эттирилсин!» — ахир партиямизнинг ўтган XXIV съездида қўйилган ана шу директив вазифаларнинг бажарилиши ҳақида ҳисоб беришлари керак. Совхозимиз ўтган съезддан кейин ташкил этилган хўжалик. Уч йилда ўзлаштирилган ер беш баравар ошди. 800 гектардан 5100 гектарга етди. Унинг 4 минг гектардан кўпроғида «оқ олтин» етиштирилмоқда. Бугун ана шу ерларда 8 минг тонна пахта етиштириш шиорини ўртага ташлаганмиз.

«Ўзбекистон»ликлар бутун ўзбекистонликлар номидан гапираётгандек эди назаримизда. Ахир далаларда мўлжалга яраша ҳосил бор. Гап уни йиғиштириб олишда қолган. Шунинг учун йиғим-терим ҳамманинг жонажон ишига айланган. Чўлдан қайтар эканмиз, «Ўзбекистон» совхози далаларидаги шиддатли меҳнат, кўтаринки руҳ бутун чўлга ёйилгандек эди. Бутун чўл улкан пахта фронтини эслатарди.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.
Мирзачўл райони.

ДЕЛЕГАЦИЯ ЖУНАБ КЕТДИ

ЛЕНИНГРАД, 24 октябрь. (ТАСС). ВСПП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар бугун Смольнийга борди. Бу ерда 1917 йилнинг октябрида қуролли қўзғолон штаби жойлашган эди.

Ҳурматли меҳмон ва унга ҳамроҳлик қилган венгриялик давлат арбоблари пролетариат ғалаба қозонганидан кейин В. И. Ленин Совет ҳокимиятини эълон қилган маҳлислар залида бўлдилар. Ильичнинг биринчи иш кабинетини ва у яшаган хонани кўздан кечирдилар.

Д. Лазар ва унга ҳамроҳлик қилган венгриялик давлат арбоблари тушдан кейин Ленинграддан Ватанига жўнаб кетдилар.

ДОН — ДАВЛАТГА

Республикамиз областларида дон тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 25 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — мавсум бошидан буён топширилган дон; учинчи устун — бир кунда (топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

ТОШКЕНТ	118,9	—
АНДИЖОН	105,7	0,3
САМАРҚАНД	100,2	—
Фарғона	96,7	0,9
Сурхондарё	96,5	1,4
Хоразм	83,7	2,1
ҚҚАССР	80,3	2,0
Қашқадарё	77,5	0,5
Наманган	67,0	—
Сирдарё	62,8	0,7
Жиззах	36,7	—
Бухоро	35,2	0,1
Республика бўйича:	80,3	0,8

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИ «ҚАШКАДАРЬЯОБЛСЕЛЬСТРОЙ»ИГА ҚАРАШЛИ 19-ТРЕСТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тўққизинчи беш йиллик топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар **мукофотланди:**

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Бозоров Мўмин — 3-механизациялашган кўчма колоннанинг арматурачиси.

Норимов Ҳолиёр — 1-механизациялашган кўчма колоннанинг арматурачиси.

Поёнов Қудрат — 4-механизациялашган кўчма колоннанинг гишт терувчилар бригадири.

Чегибоев Султон — трест бошқарувчиси.

Шарипов Шамсиддин Улашович — 40-механизациялашган кўчма колоннанинг гишт терувчилар бригадири.

Маҳматқулов Шариф — 3-механизациялашган кўчма колоннанинг бошлиғи.

(Давоми иккинчи бетда).

ДУНЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА ДАЪВАТ

Биз халқаро хотин-қизлар йилига бағишланган жаҳон конгрессида қатнашмоқ учун ер юзининг ҳамма томонларидан Германия Демократик республикасининг пойтахти — Берлинга келдик.

Умумий даъват: тенг ҳуқуқлилик — тараққиёт — тинчлик даъвати билан бирлашган бизлар ер юзидаги барча хотин-қизларга шу даъват билан мурожаат қиламиз.

Инсоният XX асрнинг охирги йигирма беш йиллиги бўсағасида турибди. Бу давр жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида мисли кўрилмаган ўзгаришлар давридир.

Биз тобора янгидан-янги халқлар тинчлик ва социал адолат йўлига тушиб олаётганликларининг шоҳиди бўлиб турибмиз.

Биз тарих олдида айтамизки, ҳозирги авлоднинг ишлари ва кураши келгуси юз йилликда планетамизнинг қиёфасини белгилаб беради.

Планетамиз яшнаб турган боғ-бўстонга ёки атом уруши билан қуйдирилган чўл—биёбонга айланадими; у халқлар ва давлатларнинг ўзаро ҳурматга асосланган тинч-тотув яшаш планетаси ёки можаролар ва адолатсизлик ўчоғи бўлиб қоладими — бу бизга боғлиқ.

Бу саволларга жавобни биз ўзимиз айтишимиз лозим.

Келажак йўлини ҳам ўзимиз белгилаймиз!

Ҳаёт ато этаётган аёлларга алоҳида-ҳуқуқ берилган — болаларимиз, набираларимиз ва келгусидаги барча авлодлар порлоқ истиқболи учун курашиш уларнинг бурчидир.

Биз сизларни ана шу мақсад йўлида яшаб, иш кўришга даъват этамиз.

Биз жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилиб, тинчликда яшашга интилаётган барча халқларни ҳимоя қилиб чиқамиз. Тинчлик шароитида инсониятнинг муҳим проблемалари ҳал қилинади. Шунинг учун ҳам биз халқаро бирдамликка даъват этамиз;

Тинчлик — халқлар бу ҳақда асрлар бўйи орзу қилиб келдилар. Тинчлик мустаҳкам бўлади, деб умид қилишимиз учун бугунги кунда асос бор. «Совуқ уруш»дан кескинликнинг юмшаши томон бурилиш, тинчликсевар кучларнинг ва миллий—озодлик кучларининг ўсганлиги бунинг гаровидир.

Бироқ, уруш хавфи тугатилгани йўқ. Урушга моддий жиҳатдан тайёргарлик давом этмоқда. Қуролланиш учун ҳар йили 300 миллиард доллар сарфланмоқда. Ана шу маблағлар социал эҳтиёжлар учун сарфланганида, тобора кўпроқ аёллар ва қизлар ишлаш имкониятига, билим олиш имкониятига эга бўлар эдилар, давлат ҳисобига оналар ва болаларни муҳофаза қилиш яхшироқ таъминланган бўлур эди, мактабларда текин ўқитишни жорий этиш мумкин бўларди, санъат ва маданият соҳасидаги талабэҳтиёжлар қондирилган бўлур эди.

Биз: қуролланиш эмас, балки қуролсизланиш керак! Хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш учун кўпроқ маблағ ажратилсин! деймиз.

Биз ҳарбий монополияларга қарши чиқамиз.

Биз тинчлик ишини барбод этаётган, урушдан бойиб колишга интилаётган милитаризм кучларини қаҳр-ғазаб билан қоралаймиз.

Тараққиёт — бу хотин-қизларнинг жамоат ишига, ўз мамлакатларининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги ишига, демократик ўзгартишлар ва социал ривожланиш ишига қўшадиган ҳиссасидир.

Ҳозир жаҳон хотин-қизларининг ярми шафқатсиз мустамлака зулми ва эксплуатация қишанларини парчалаб ташлаган мамлакатларда яшамоқда.

Биз: тараққиёт — бу мустамлакачиликнинг оғир меросини тугатишдир, **деймиз.**

Миллий мустақилликка эришиш билан бирга иқтисодий мустақилликка ҳам эришиш лозим. Ушандагина хотин-қизлар ўз тақдирига ўзи хўжайинлик қилиш реал ҳуқуқ ва имкониятларига эга бўладилар. Озод халқнинг хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаб бериши мумкин.

Биз планетада ҳеч ким очлиқдан азоб чекмаслигига интиламиз.

Биз социал тараққиёт ютуқларидан бутун инсоният баҳраманд бўлишига интиламиз.

Жамиятда қонун бўйича ва амалда тенг ҳуқуқлилик ўзидан-ўзи келмайди. Биз хотин-қизларнинг иззат-обрўйини қурмат қилган ҳолда истеъдоди ва қобилиятларини тўла ривожлантириш учун ҳамма жойда шарт-шароитлар яратилишига интиламиз.

Биз эскириб қолган барча социал структураларга қарши курашамиз, ана шу структура натижасида таълим, меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида, хотин-қизларнинг жамиятдаги аҳволи соҳасида уларни камситиш сақланиб қолмоқда.

Биз: тенг ҳуқуқлилик — бу оилада ва жамиятда ҳуқуқий тенглик, меҳнат қилиш учун ҳуқуқий тенглик ва баравар меҳнат учун баравар ҳақ тўланишидир, **деймиз.** Биз хотин-қизларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг иштирок этишини талаб қиламиз. Хотин-қизларнинг ўзлари актив иштирок этмай туриб, тенг ҳуқуқликка эришиш мумкин эмас.

Биз сизларни ана шу курашга қўшилишга даъват этамиз!

Мамлакатни миллий ва социал озодлик этиш натижасидагина хотин-қизларни чинакам озод қилишга эришиш мумкин, чунки хотин-қизларнинг тақдири шу халқларнинг тақдири билан чамбарчас боғлиқдир. Бутун ер юзида тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт тантана қилиши лозим!

Биз қучимизни ана шу мақсадлар учун хизмат қилишга бағишлашимиз керак. Бу мақсадларнинг амалга оширилишига эришмоқ учун бизда имконият бор. Бу 65 гвардиячининг жўшқин, дилдагидек меҳнатининг ифодаси эди. Эртага яна охирги ўнта машинага старт берилади.

— Ҳосилни топширишни ташкил этиш ҳам осон эмасдир? — сўраймиз ундан.

— Ҳар бир бўлимга 20-25 тадан тележка берилди. Қабул пунктида эса ҳар бўлимдан алоҳида одамлар бор. Навбатчилар бўлимдан борган тележкаларнинг тўхтаб қолишига йўл қўймайди.

Омонулло Равшанов, Исор Дастуров сингари бригадир-механизаторлар, Рустам Эгамов, Раҳмат Ҳусанов, Тожибой Мустафоев сингари «зангори кема» капитанлари Абдували Бобоев, Аҳмад Шербеков каби пахта ташувчилар ҳамда кўплаб бригадаларнинг меҳнатидан мамнун бўлиб қайтдик.

— Жонажон партиямизнинг XXV съезди бўладиган кун яқинлашган сари нимаманингдир ташвиши кучайгандек бўлаверади, — дейди Инобат Охунова. — Бу зафар ташвиши, муносиб тўҳфа ташвиши... «Мирзачўлда, Сурхон-Шеробод водийсида, суғориладиган майдонларни кенгайтириш ишлари давом эттирилсин!» — ахир партиямизнинг ўтган XXIV съездида қўйилган ана шу директив вазифаларнинг бажарилиши ҳақида ҳисоб беришлари керак. Совхозимиз ўтган съезддан кейин ташкил этилган хўжалик. Уч йилда ўзлаштирилган ер беш баравар ошди. 800 гектардан 5100 гектарга етди. Унинг 4 минг гектардан кўпроғида «оқ олтин» етиштирилмоқда. Бугун ана шу ерларда 8 минг тонна пахта етиштириш шиорини ўртага ташлаганмиз.

«Ўзбекистон»ликлар бутун ўзбекистонликлар номидан гапираётгандек эди назаримизда. Ахир далаларда мўлжалга яраша ҳосил бор. Гап уни йиғиштириб олишда қолган. Шунинг учун йиғим-терим ҳамманинг жонажон ишига айланган. Чўлдан қайтар эканмиз, «Ўзбекистон» совхози далаларидаги шиддатли меҳнат, кўтаринки руҳ бутун чўлга ёйилгандек эди. Бутун чўл улкан пахта фронтини эслатарди.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.
Мирзачўл райони.

Хотин-қизлар эга бўлган имкониятлар хилма-хилдир. Сизлар хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотларида, касаба союзларида, парламентларда ва ҳокимиятнинг маҳаллий органларида, диний, социал ва маданий бирлашмаларда, корхоналарда, шаҳар ва қишлоқларда, миллий ва халқаро ташкилотларда — хуллас қаерда бўлманг, ҳамма активлик кўрсатинг, хотин-қизларнинг ролини ошириш учун курашингиз! Тинчликсевар кучларнинг бирлигини мустаҳкамланглиз!

Барча қитъаларнинг хотин-қизлари! Ушбу даъватга кўшилиб, уни қўллаб-қувватлангиз!

Тинчлик, демократия, миллий мустақиллик, социал тараққиёт ва тенг ҳуқуқлилик ишига ҳар бирингиз ўз ҳиссангизни қўшаверинг!

(Дунё хотин-қизларига даъватни халқаро хотин-қизлар йилига бағишланган жаҳон конгресси 1975 йил 24 октябрда қабул қилган).

МУКОФОТЛАР МУБОРАК

(Бешинчи бетда).

«ХУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдусаматов Митья — 1-механизациялашган кўчма колоннанинг гишт терувчиси.

Бозоров Эгамберди — 3-механизациялашган кўчма колоннанинг сувоқчилар бригадири.

Виноградова Валентина Яковлевна — трестнинг бўлим бошлиғи.

Дўсалиев Қўчқор — 2-механизациялашган кўчма колонна гишт терувчилар бригадири.

Зайцева Елизавета Николаевна — 40-механизациялашган кўчма колоннанинг бўёқчиси.

Нуғратов Зубайдулло — 28-механизациялашган кўчма колоннанинг газ-электр пайвандчиси.

Ражабов Хайдар — 4-механизациялашган кўчма колоннанинг гишт терувчиси.

Рўзиев Тураш Бозорович — «Сельтранспецстрой» трестига қарашли 25-ихтисослаштирилган механизациялашган кўчма колоннасининг ишбошиси.

Ҳолиёров Бўрон — 78-механизациялашган кўчма колоннанинг электр пайвандчиси.

Кац Владимир Нафтулович — 70-ихтисослаштирилган механизациялаштирилган кўчма колоннанинг бошлиғи.

Одилов Зариф — 1-механизациялашган кўчма колоннанинг сувоқчиси.

Райҳонов Омон — 28-механизациялашган кўчма колонна комплекс бригадасининг бошлиғи.

Туробов Мамашариф — 4-механизациялашган кўчма колоннанинг мастери.

Тўраев Эргаш — «Сельтранспецстрой» трестига қарашли 25-ихтисослаштирилган механизациялашган кўчма колоннанинг асфальт ётқизувчиси.

Турсунов Ҳуррам — 40-механизациялашган кўчма колоннанинг дурадгорлар бригадири.

Ҳайдаров Рустам — 91-механизациялашган кўчма колоннанинг сувоқчиси.

Ҳолбоев Муса — 78-механизациялашган кўчма колонна комплекс бригадасининг бошлиғи.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Ахчи Анна Степановна — 4-механизациялашган кўчма колоннанинг сувоқчиси.

Ашуров Ўрал — 91-механизациялашган кўчма колоннанинг гишт терувчилар бригадири.

Закарчевский Олег Андреевич — трест бошқарувчисининг ўринбосари.

Суркова Александра Николаевна — 78-механизациялашган кўчма колоннанинг сувоқчиси.

Умбаров Тўра — 3-автотрестга қарашли 32-автобазанинг автомобиль ҳайдовчиси.

Ҳолмирзаев Пўлдош — ихтисослаштирилган механизациялашган кўчма колоннанинг бош инженери.

Шарипова Ҳадича Галиҳайдаровна — 2-механизациялашган кўчма колоннанинг сувоқчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Баратов Зиёдулла — 2-механизациялашган кўчма колонна комплекс бригадасининг бошлиғи.

Ирзаев Нортожи — 3-механизациялашган кўчма колоннанинг электр пайвандчиси.

Кац Владимир Нафтулович — 70-ихтисослаштирилган механизациялаштирилган кўчма колоннанинг бошлиғи.

Одилов Зариф — 1-механизациялашган кўчма колоннанинг сувоқчиси.

Райҳонов Омон — 28-механизациялашган кўчма колонна комплекс бригадасининг бошлиғи.

Туробов Мамашариф — 4-механизациялашган кўчма колоннанинг мастери.

Тўраев Эргаш — «Сельтранспецстрой» трестига қарашли 25-ихтисослаштирилган механизациялашган кўчма колоннанинг асфальт ётқизувчиси.

Турсунов Ҳуррам — 40-механизациялашган кўчма колоннанинг дурадгорлар бригадири.

Ҳайдаров Рустам — 91-механизациялашган кўчма колоннанинг сувоқчиси.

Ҳолбоев Муса — 78-механизациялашган кўчма колонна комплекс бригадасининг бошлиғи.

Ҳоллиев Бобомурод — 78-механизациялашган кўчма колоннанинг гишт терувчилар бошлиғи.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1975 йил 24 октябрь.

ХУШХАБАРЛАР

Янгийўл районининг колхозлари Ўзбекистонда биринчи бўлиб ўзларининг техника базаларида хизмат кўрсатишнинг янги усулига ўтиб ишлай бошладилар. «Узсельхозтехника» бирлашмаси машина ва асбоб жихозларининг тўхтовсиз ишлашлари учун зарур бўладиган барча юмушларни бажаришни ўз зиммасига олди.

Буюртмаларни тез фурсат ичида адо этиш учун машиналарнинг ҳаракати айланма маршрут бўйича ишлаб чиқилди. Барча хўжаликларда эса моддий материаллар ва эҳтиёт қисмларни сақлаш учун яхши жиҳозланган омборхоналар қурилди.

«Узсельхозтехника» бирлашмаси яна 3 район — Бухоро, Окдарё ва Ғузор билан ана шундай шартнома тузди.

* * *

Бухоро областида Шофриқон районидаги «Янги бог» посёлкасининг меҳнаткашлари янги уйларга кўчиб ўтишди. «Жилвон» совхозида қурилган янги уй-жойлар ҳам замонавийлиги га қулайлиги билан аҳолига манзур бўлди. Хўжаликнинг энг кекса боғбонларидан бири Д. Тўраев, ишчилардан Н. Бўрнев ва Х. Назаров беш хонали коттеж уйларининг калитларини зўр шодиёна билан биноқорлар қўлидан олишди.

* * *

Яқин келажакда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг филиали Қаршида очилади. Бунинг учун 6 гектар майдон ажратилди. Иккита тўрт қаватли ўқув корпуси, ўқув ишлаб чиқариш устаханалари, лабораториялар корпуслари, ўқув залига эга бўлган кутубхонада билим олиш учун барча шароитлар яратилди. Лойиҳада, шунингдек, очиқ сув ҳавзаси бўлган спорт зонаси, ошхона қуриш ҳам мўлжалланган.

Қаршидаги студентлар шаҳарчаси шаҳарнинг энг ғўзал жойларидан бирига айланади. Бу ерда қатор уй-жойлар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, дам олиш зоналари барпо этилади.

Андижон область, Москва районидаги шойи-тўқиш фабрикасининг илғор тўқувчиси Р. Қўлдошева бир беш йиллиқда икки беш йиллик вазифасини бажариб, ҳозир 1981 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

К. ТОШПУЛАТОВ фотоси.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

КОСМОСДАГИ ЯНГИ ҒАЛАБА

Совет фани ва техникасининг янги муваффақияти — «Венера-9» планеталараро автомат станцияси Венера теварагидаги орбитага чиқиб шу сайёранинг тарихда биринчи сунъий йўлдоши бўлиб қолганлиги тўғрисидаги хабарларни чет эл газеталари биринчи саҳифаларида «Космосни ўзлаштиришдаги янги боб». «Офарин!», «Фантастика ҳақиқатга айланди» деган сарлавҳалар остида эълон қилмоқда. Жаҳон матбуотининг илмий обзорчилари, турли мамлакатларнинг таниклари олимлари тушириладиган аппарат қўнган жойидаги Венера юзасининг ноёб тасвирини, планета тўғрисида автомат станция ёрдамида олинган бошқа маълумотларни кенг шарҳламоқдалар.

◆ **ВАРШАВА.** «Венера»нинг биринчи сунъий йўлдоши дунёга келганлиги ва «Тонг юлдузи» сатҳининг шу йўлдош ёрдамида олинган биринчи тасвири совет фанининг янги жуда катта муваффақиятидир, — деб ёзади «Трибуна люду» газетаси. — Бу — космик фазони ўзлаштириш тарихидаги жуда катта воқеадир. «Венера—9»нинг олис планетага муваффақиятли учирилганлиги учишин бошқариш совет системасининг қойил қоларлик даражада аниқ ишлашидан далолат беради.

◆ **СОФИЯ.** Болгариядаги «Земеделско знаме» газетаси Венеранинг биринчи сунъий йўлдоши сайёра теварагидаги орбитага чиқарилганлигини «Инсон даҳосининг байрами» деб атади.

◆ **НЬЮ-ЙОРК.** «Янги совет космик станцияси Венерага муваффақиятли ўнгирилганлиги сайёрани ўрганишда Совет Иттифоқининг биринчилигини мустаҳкамлайди», — деб таъкидлайди ЮПИ агентлиги. — СССР билан АҚШ Қуёш системасини тадқиқ этишда турли йўллардан бормоқда. Жаҳон олимлари бундай турли усулдан ютмоқдалар.

◆ **ПАРИЖ.** «Сеҳрли сайёранинг яна бир жумбоғи очилди. Бошқа дунёларни ўрганишда муҳим қадам қўйилди», деб ёзади «Юманите» газетаси Газета «Венера-9»нинг муваффақиятли учишини таъминлаш учун совет олимлари катта иш қилганлигини эслатиб ўтади. Шу туркумдаги совет планеталараро станциялари ёрдамида бундан олдин олинган маълумотлар тўғрисида ҳикоя қилади.

◆ **БОННН.** Космонавтика тарихида биринчи марта фақат Совет Иттифоқидагина Венера атрофидаги орбитага сунъий йўлдош чиқарди ва туширилувчи аппаратнинг шу сайёра юзига оҳиста қўнишини таъминлашга муваффақ бўлди, деб таъкидлайди «Франкфуртер рандшау» газетаси.

◆ **ДЕҲЛИ.** «Планеталараро «Венера—9» автомат станциясининг ўзи учун планлаштириб қўйилган орбитага чиқарилиши — совет олимлари ва инженерларининг ажойиб муваффақиятидир, деди Ҳиндистон илм-фан ва саноат тадқиқотлари кенгашининг бош директори профессор И. Наюдамма. — Жуда олис масофада амалга оширилган илмий экспериментнинг бенуқсонлиги кишини ҳайратга солади ва совет космик техникасининг юқори классидан, совет космик фанининг илғор позицияларда турганлигидан далолат беради. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **ХАНОЙ.**

Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахтидаги қурилиш ташкилотлари учинчи квартални муваффақиятли тугалладилар. Ханой биноқорлари шу йилнинг 9 ойи мобайнида 52 объектни, шу жумладан 11 мактаб биносини фойдаланиш учун топширдилар. Бу мактаблар янги ўқув йилида 6500 болани қабул қилди.

◆ **ЛОНДОН.**

Глазгода Ғарбий Шотландия касаба союзлари вакилларининг конференцияси бўлди. Конференция қатнашчилари Англия ҳукуматига мурожаат қилиб, ишсизлик ниҳоятда ортиб кетган ишсизликка қарши кураш учун зарур чоралар кўришни қатъий талаб этдилар.

◆ **АФИНА.**

Эфлисда (Пирей яқинида) АҚШ ҳарбий кемаларининг шу шаҳар портига киришига қарши норозилик митинги бўлди. Греция Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Г. Фаракос митингда сўзлаган нутқида грек халқи Грециянинг НАТОдан чиқиши учун, демократия ва озодлик учун қаттиқ кураш олиб бормоқда, деб таъкидлади. (ТАСС).

ЖАҲОН КОНГРЕССИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

БЕРЛИН, 25 октябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Шу кунларда ГДР пойтахтида халқаро хотин-қизлар йилига бағишлаб ўтказилган жаҳон конгрессида дунёдаги тараққийпарвар жамоатчилиннинг, халқаро демократик хотин-қизлар харакатининг овози баралла янграб турди.

Кеча, конгрессининг якунловчи кунида делегатлар билан меҳмонлар байрамона безатилган Вернер Зеелен Биндер—Халле залига яна тўпланишди.

Кечкурунги мажлисда конгресс секретари Эдит Баллантайн якунловчи ҳисобот берди. У делегатлар ва меҳмонлар номидан анжуман жуда яхши ташкил этилганлиги учун ГДР ҳукуматига ва республика жамоатчилигига самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Конгресс делегатлари хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва Ер юзида социал тараққиёт, тинчлик учун олиб борилаётган жаҳоншумул ҳаракатнинг бундан буёнги вазифаларини белгилаб берувчи ҳужжатларни қабул қилдилар.

Конгресс қатнашчилари парламентлар ва ҳукуматларга, бирлашган Миллатлар Ташкилотига, бутун жаҳон жамоатчилигига мурожаат қабул қилдилар. Биз ўзининг гоявий-сиёсий масалалари жиҳатидан хилма-хил бўлган оммавий жамоат ташкилотларида ва харакатларда бирлашган юз миллионлаб хотин-қизлар ва эркаклар номидан гапираётирмиз, деб таъкидланади шу баёнотда. Бу ташкилотлар ва харакатларнинг жуда кўп обрў-эътиборли ваниллари бизнинг конгрессимизда иштирок этдилар. Баёнотда олижаноб идеалларнинг тантанаси, хотин-қизларни ҳамма жойда тўла-тўкис озодликка чиқариш йўлидаги ўз харакатларини активлаштиришга даъват этилади.

Конгресс қатнашчилари баёнотда шуни таъкидладиларки, хотин-қизларнинг чинакам тенг ҳуқуқлилигига эришиш учун бу тенг ҳуқуқлилик ҳамма мамлакатларнинг конституцияларида ва қонунларида юридик жиҳатдан эътироф этилган бўлиши зарур.

Бизнинг конгрессимиз тинчлик ва хавфсизлик учун, озодлик, миллий мустақиллик учун, халқаро муносабатларни тинчтотув яшаш принциплари асосида қайта қуриш учун курашда катта муваффақиятларга эришилган бир вазиятда ўтмоқда.

Конгресс иштирокчилари ҳукуматлар ва парламентларни, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларини, шунингдек БМТни неснилликни юмшатишни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш учун, БМТнинг халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик тўғрисидаги принципини тўла қарор топдириш учун, қуролланиш пойгасини тўхатиш, ҳамда ялпи ва батамом қуролсизланиш йўлидан олга силжиш учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишга чақирдилар.

Жаҳон конгрессида «Дунё хотин-қизларига даъват» ҳам қабул қилинди.

М. РОЖДЕСТВЕНСКАЯ,
А. ГРИГОРЬЕВ,
С. СОСНОВСКИЙ.

АТЛАНТА ШАҲРИНИНГ ФАХРИЙ ГРАЖДАНЛАРИ

АТЛАНТА, Жоржия штати). 24 октябрь (ТАСС махсус мухбири). Жоржия штатининг пойтахти Атланта шаҳри совет космонавтлари А. Леонов билан В. Кубасовни энг ҳурматли меҳмонлар сифатида кутиб олди.

Шаҳар савдо палатасининг президенти А. Аллен космонавтлар шарафига ўтказилган қабул маросимида нутқ сўзлаб, Атланта—АҚШнинг жанубида космосдаги Совет—Америка қўшма эксперименти қатнашчиларини қабул қилиш шарафига муяссар бўлган бирдан-бир шаҳардир, деди. Икки экипаж космосда бошлаган ҳамкорлик мамлакатларимиз ўртасида ҳамма соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшади, бундан АҚШ ҳам, СССР ҳам манфаатдордир.

Атланта мэри М. Жексон ўз нутқида айтдики, «Союз» билан «Аполлон» миссияси мамлакатларимиз ҳамкорлигининг бошланишидир, бу ҳамкорликни ҳамма чоралар билан ривожлантирмоқ ва мустаҳкамламоқ керак. Совет ва Америка космонавтлари замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонларидир, биз уларнинг Совет—Америка ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаларини узоқ вақт эслаб юрамиз, деди у.

Совет космонавтлари А. Леонов билан В. Кубасовга, шунингдек уларнинг американлик ҳамкасбларига Атланта шаҳрининг фахрий гражданлари деган дипломлар топширилади.

Сўнгра иккала кема экипажлари Америка негр халқининг атоқли фарзанди, гражданлик ҳуқуқлари учун матонатли курашчи Мартин Лютер Кинг қабрига гулчамбар қўйдилар. Ўлар — иркчилар 1968 йилда ўлдирган негрлар раҳбари хотирасини бир лаҳзалик сукут сақлаб ҳурмат билан ёдладилар.

Совет ва Америка космонавтларининг Атлантадаги бир неча университет студентлари билан учрашуви қизғин ўтди. Бу учрашув университет марказининг спорт залида бўлди.

ЭЛЧИ ЎЛДИРИЛДИ

ПАРИЖ, 24 октябрь. (ТАСС). Бугун Парижда Туркиянинг Франциядаги элчиси Исмоил Эрез тушган автомобилни бир группа номаълум кишилар ўққа тутди. Оғир жароҳатланган элчи касалхонага етмай жон берди. Ҳужум қилганлар яширинишга улгурдилар.

Шу билан Туркиянинг чет элдаги дипломатларига иккинчи марта суиқасд қилинди. 22 октябрь куни Венада Туркиянинг Австриядаги элчиси Данис Туналигил элчихона биносида номаълум кишилар томонидан ўлдириб кетилган эди.

АНҚАРА, 24 октябрь. (ТАСС). Туркиянинг Париждаги элчиси ўлдирилганлиги муносабати билан Турция бош вазири Сулаймон Демирел шошилинч равишда ҳукуматнинг мажлисини чақиришга қарор қилди.

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

ИШСИЗЛИК, НУҲТОЖЛИК, ЖИНОЯТ

„УНИВЕРСИТЕТНИ ситириб чиққан олий маълумотли дипломли қиз энага бўлиб ишлашни истаб иш қидиради», «Малакали ишчи магазинда дастёр бўлиб ишлашга розилик билдиради», «Мутахассис энг оғир ишларни бажаришга тайёр»... Бундай эълонлар Италияда чиқаётган кўпчилик газеталарда жуда кўп учраб туради. Шу оддий фактларнинг ўзи мамлакатда ишсизликнинг тобора кучайиб бораётганлигидан очиқ-ойдин дарак бериб турибди.

Меҳнаткашларни иш билан, бирор хизмат билан банд қилиш масаласи ҳозирги Италиядаги энг жиддий проблемалардан бири бўлиб қолди.

Матбуотда келтирилаётган далилларга кўра Кампания области бу соҳада аянчли «рекорд» кўрсаткичга эга бўлди. Бу райондаги аҳолини ишга жойлаштириш бюроси ишсизлар сонининг 230 минг кишига етганлигини, яъни ўтган йилдагига нисбатан ишсизлар яна 8,8 процентга кўпайганлигини қайд этади.

Мамлакатнинг йирик шаҳарларидан бири ҳисоблаган Неаполда ишсизларнинг сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 23,1 процентга ошган. Демак, ҳозирги пайтда бу шаҳарда ишсиз қолган меҳнаткашлар 47 мингдан ортиқ кишини ташкил этади.

Бундай аянчли манзараларни мамлакатнинг бошқа областларида ҳам яққол кўриш мумкин.

РЎПАРАДА қийшайиб турган яморатнинг кўримсиз, пештоқлари. Унинг деворининг тешикларидан шамол ғувиллаб ўтиб турибди. Емирилиб ётган дегунча хоналарнинг ичи жиққа ҳўл бўлиб кетади. Лондон жанубидаги Пэк Хем районида жойлашган бу мактаб ана шундай аянчли аҳволга тушиб қолган. «Бу ерда машғулот ўтказиш мутлақо мумкин эмас, синф хоналари кичик ва қоронғи. Мактабда на спорт зали, на мажлислар зали бор. Бино иситилмайди. Иморатнинг томи эса қулаб тушай деб турибди», — дейди мактаб директори Рон Пеппер.

Қариб ўн йилдан бери маҳаллий маъмурлар бундан 91 йил муқаддам қурилган иморатни бузиб, янги бино қурмоқчи эканликларини такрор-такрор айтишади. Аммо яқинда муниципалитет маблағ етишмаслиги сабаблари ўз режасидан воз кечишга қарор берганлигини эълон қилди. Ўша қийшайиб турган иморат, ўша синфларида шамол ғувиллаб ётган хоналар ҳамон шундайлигича қоладиган бўлди.

Англиядаги юзлаб мактаблар ўтган асрларда қурилган бўлиб, улар капитал ремонтга муҳтож бўлиб қолган. Мактабларнинг айримлари машғулот ўтказилиши учун мутлақо яроқсиз бўлганлиги ҳамда ўқувчилар ва муаллимлар учун хатарли эканлиги сабабли ёпиб қўйилмоқда. Натижада мактабларнинг етишмаслиги яна ҳам кучаймоқда. Бу ердаги ҳар бир синфда 60 талаба ўқувчи ўқишга мажбур бўлмоқда. Бундай ҳоллар мамлакатнинг жуда кўп шаҳар ва вилоятларида кўпдан учрайди.

АМЕРИКА Қўшма Штатларининг энг катта шаҳарларида жиноятчилик тобора кўпайиб бораётганлиги ҳақидаги хабарлар тез-тез келиб турибди. Масалан, кейинги ўн икки ой ичида мамлакатда жиноятчилик юксак поғонага кўтарилди. Мамлакатнинг Детройт, Даллас ва Нью-Йорк шаҳарларида жиноятчилик ҳаддан ташқари ошиб кетган. Федерал тергов бюроси эълон қилган маълумотларда айтилишича, Детройтда катта жиноятлар 25 процентга, Далласда 20 процентга ва Нью-Йоркда 19,8 процентга кўпайган. Шуни ҳам айтиш керакки, кейинги ўн икки ой мобайнида мамлакатда жиноятчилик ўрта ҳисобда 18 процентдан ҳам ошган.

ҚАРДОШЛИК ЯРАТГАН ҚУЁШ

ЭНЕРГЕТИКАМИЗНИНГ УЛКАН ОДИМЛАРИ

- ◆ ТОШКЕНТ ГРЭСи ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ;
- ◆ ГУМБИРЛАБ ИШЛАЁТГАН 12 БЛОК;
- ◆ УЧ ЯРИМ БАРАВАР ОРТИҒИ БИЛАН ҚОПЛАНГАН МАБЛАҒ;
- ◆ НУРБУЛОҚ БУНЁДКОРЛАРИ;
- ◆ ПЛАНДАН ТАШҚАРИСИ — 50 МИЛЛИОН КИЛОВАТТ-СОАТ.

Бир вақтлар Ялангоч деб номланувчи эди бу жойлар. Бунёдкор меҳнат ва замонавий техника қудрати бу жойларни обод ва кўркам қилди. Ялангоч да қурувчилар фидокорона меҳнати натижасида улкан энергетика иншооти қад ростлаб турибди. Уни Тошкент ГРЭСи — Тошкент Давлат районэлектр станцияси дейдилар. Ўрта Осиёдаги барча шундай станциялар ичида ниҳоятда улкани. Унинг 12 та қудратли энергетика блоки юракдек ишлаб турибди. Шу блокларда ҳосил қилинган электр энергияси қон томирларисимон тарамлаб кетган узатиш линиялари орқали шаҳар-қишлоқларга, катта халқ хўжалиги эҳтиёжига эга бўлган объектларга пешма-пеш бориб турибди. Шу билан Тошкент ГРЭСи энергияси халқ хўжалигимизнинг юксалишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Бу, энергетикамизда катта юксалишдан дарак берувчи ҳодиса. Тошкент ГРЭСи қад кўтарганича ва шунчалик кўп электр энергияси етказиб бериш даражасига етгунича анча ишлар қилинди. Станциянинг қўкка бўй чўзган қоматдор мўриларидан буралиб чиқаётган тутун хаёлни яқин ўтмишга — 1963 йилга етаклайди. Ўша йили станциянинг тўнғич энергетика блоки — 150 минг киловатт қувватга эга бўлган биринчи блоки ишга туширилганди. Ўнгача-чи? Ўнгача катта ҳажмдаги қурилиш ишлари олиб борилди. Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Узбекгидроэнергострой» трестининг ва унинг қарамоғидаги пудратчи ташкилотлар коллективларининг мардона меҳнати билан катта ҳажмда қурилиш ишлари бажарилди. Бугунги кунда ГРЭСнинг учинчи навбати ҳам тўла қуриб тамомланди. Станция энди доимий фойдаланиш учун топширилмоқда.

Нурхона бунёдкорлари ва ундан фойдаланувчилар шу катта энергетика иншоотини камолн мамнуният ва қониқиш билан қардошлик яратган қуёш деб атамоқдалар. Бунинг боиси шуки, Тошкент ГРЭСи Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа қардош республикалар халқ хўжалигини арзон энергия билан мунтазам таъминлаб турибди. Бу энергетика манбаининг фойдаланишга топширилишига мамлакатимиздаги барча қардош халқлар ўз меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшдилар. Тошкентда бир қуёш яратилдики, бу энергетика қуёши! Шу улкан нурхонанинг қисқа вақтда юқори сифат билан қуриб тамомланишига Таганрог бут қозонлари заводи, Харьков турбогенераторчилари, Ленинград «Электросила», Запорожье трансформатор заводлари ва бошқа кўплаб корхоналарнинг азаматлари катта ҳисса қўшдилар.

Дастлабки киловатт-соат электр энергиясини 1963 йилда тўҳфа қилган бу станция эндиликда очиқ типдаги энг йирик нурхона ҳисобланаётганлиги ажабланарли эмас. Ҳозир унинг 12 та блоки мунтазам ишлаб турибди. Станция қониқиш билан қардошлик яратган қуёш деб атаётганлигига бугун ўтган йиллар ичида 72 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинди. Унинг шу даражада қудратли корхона бўлиб қад кўтариши учун жами 125 миллион сўм капитал маблағ сарфланди. Бу маблағ ҳозирги уч ярим баравар знёда қилиб қопланганлиги билан фахрланиш мумкин. Қурилишда 2,6 миллион куб метр ер қазиш ишлари бажарилди. 85 минг куб метр бетон ва темир-бетон ётқизилди. 70 минг куб метр ёнгма темир-бетон конструкциялари ва 82 минг тонна мураккаб технология ускуналари ўрнатилди. Энергетикларнинг шаҳардан қолишмайдиган кўркам посёлкаси барпо этилди.

Тошкент ГРЭСи республикамиз нурчиларининг катта тажриба мактаби бўлиб қолди. Бу ерда малакали кадрларнинг ажил коллективи вужудга келди. Улар станция ускуналарини моҳирлик билан бошқариб, замонавий илғор технологияни жорий қилишда жасорат кўрсатмоқдалар. Корхонанинг лойиҳадаги қувват даражасида ишлашини таъминладилар. Лойиҳа ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда ускуналарни такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Тўқизинчи беш йиллик мобайнида 20 минг тонна ёқилғи иқтисод қилиб қолинди. Газ ёқиш жараёнларини автоматлаштиришга ҳозирлик кўриляпти. Ишлаб чиқаришни автоматлашган система қўмагида бошқаришга кўчиш тугалланмоқда. Кўрилган тадбирлар корхонада меҳнат унумдорлигини беш йил ичида 70 процент оширишга ёрдам беради.

Республика пойтахти бинкиндаги нурхона тажриба мактабини ўтган кўплаб қурувчилар, энергетиклар ҳозир Сирдарё, Тахиатош ва республикамизнинг бошқа жойларидаги станцияларда муваффақиятли иш олиб бориятилар. Қурилиш жадал олиб борилаётган иезларда Михаил Касаткин, Анна Куль, Фая Царева, Қурбон Оғаниев, Ориф Назиров, Исмоил Аминов бошлиқ қурувчилар бригадалари, дурадгор Собир Рўзиматов, гишт терувчи Николай Стволин, монтажчи Икром Кенжаев, шофёр Абдукарим Мирзахўжаев ва бошқалар кўрсатган мардона меҳнат намуналари ёддан кўтарилармиди!

Станциянинг тўла қувват билан ишлашига эришган бугунги азаматлар билан станция коллективи фахрланмоқда. Навбатчи инженер Герман Дмитриев бошқараётган смена партия XXV съезди шарафига қизғин давом этаётган мусобақада ибрат кўрсатмоқда. Электр цехнинг катта мастери Геннадий Галкин, III даражали Меҳнат Шуҳрати орденли катта машинист Алексей Александрович, Ленин орденли ишчи Файзи Отабоев ва бошқалар съездолди вахтасида фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Корхона ишчилари ва мутахассислари 1974 йилдаёқ электр энергияси ҳосил қилишда лойиҳадаги даражага эришган эдилар. Бу йил янада юқори марра эгалланди. Беш йиллиқдаги фидокорона меҳнати эвазига Тошкент ГРЭСи Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Нисбатан қисқа муддатда шундай тажриба тўпланиши, катта марраларнинг босиб ўтилиши станциянинг юқори қувват билан ишлашини таъминламоқда. ГРЭСнинг тўғрилиш олтмиш биринчи йилга бориб тақалади. Қурилиш бошланганидан икки йил ўтгач, дастлабки агрегат нур ҳосил кила бошлади. Кейин иккинчиси, учинчиси... Саккиз ёшини нишонлаётган энергетика корхонасининг ҳаётида унутилмас воқеа бўлгани ҳали-ҳали одамларнинг хотирасида: ГОЭЛРО планининг 50 йиллиги кунида энергетика иншооти бунёдкорлари ўн биринчи блокни муддатидан илгари фойдаланишга топширганликлари ҳақида рапорт бердилар. Шундай рапортлар натижаси сифатида бугун Тошкент ГРЭСи 1 миллион 920 минг киловатт қувват — лойиҳадаги қувват даражасига етди. Бу нима дегани? Тошкент ГРЭСининг қудратини таъкидламоқ учун мана бу таққослашни эътиборингизга ҳавола қиламиз: инқилобгача Россиядаги барча станциялар жамланса, нурхонамизга нисбатан икки марта кам электр энергия ишлаб чиқаргани. Станцияда ҳосил қилинган энергия арзонлигини айтмайсизми!

Қадимий Салор суви ёқасида, Тошкент несиқлик электр станцияси посёлкасида оқшом чўкди. Ҳамма ёқин чарогон этган Ильич чироқлари посёлка кўчаларига ва хонадонларига файз бағишлаб турибди. Фақат бу ёрга эмас, станциянинг арзон энергиясидан бутун Ўрта Осиё республикалари фойдаланмоқда. Ана шу азамат коллектив КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди шарафига пландан ташқари 50 миллион киловатт-соат электр энергия ҳосил қилиш учун астойдил курашяпти.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
М. МУХСИМОВ.

СЎЗ—МАРРАДАН ОШГАНЛАРГА

БИРУНИЙЛИКЛАР ЗАФАРИ

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан руҳланган районимиз пахтакорлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун кураша бориб пахта етиштириш ва тайёрлашда катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Тайёрлов пунктларига 42300 тоннадан кўпроқ юқори сортли пахта етказиб берилди. Бу, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9 минг тонна кўп. Беш йиллик пахта тайёрлаш плани эса 8 октябрда бажарилди. Беш йилликка белгиланган 192100 тонна ўрнига давлатга 206660 тонна пахта сотилди, план 106 процент бажарилди.

Теримни уюшқоқлик билан бошладик. Бу муҳим ишда умумхалқ социалистик мусобақаси катта куч бўлди. Пахта тайёрлаш планларини муддатидан олдин бажаришда Эллиққалъа массивидаги чўлқуварлар карвонбошилик қилдилар. Массивдаги «Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» колхози пахта тайёрлаш планини шу кунга қадар 152 процент, Ленин номли колхоз 140 процент бажарди.

Беш йиллик планларини тўрт йилда бажарган Охунбобоев номли совхоз пахтакорлари Автоном Республика совхозлари орасида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини ўринлаган эди. Шу кунда совхоз пахтакорлари юксак социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда. Районимиз катта «оқ олтин» хирмонига «Октябрь 50 йиллиги», Навоий номли, Махтумқули номли колхоз пахтакорлари катта ҳисса қўшдилар.

Кўпгина бўлим ва бригадалар ҳосилдорликни 40—50 центнерга етказди. Районимизда 15 бўлим, 145 бригада ҳозир социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.

Машина пахтакорларимизга мададкор бўлмоқда. Бу йил мавсумда 200 га яқин «зангори кема» пахта далаларида жавлон урди. 16 минг тонна «оқ олтин» машиналар бункеридан тўкилди. Ўнлаб механик-ҳайдовчилар 150—180 тоннадан ошириб «оқ олтин» тердилар.

Пахта етиштириш умумхалқ иши бўлиб қолмоқда. Шаҳар меҳнаткашлари, олий ўқув юртлари студентлари пахтакорларга яқиндан ёрдам кўрсатдилар.

Халқаро хотин-қизлар йилида кўпминг килограммчиларнинг сафи кенгайди. Х. Жумабоева, Г. Собирова, З. Эркабоева, О. Сафарбоева, Т. Аметова, Г. Ўразбоева, С. Олимбоева каби минглаб теримчилар мавсумда 8—12 тоннадан пахта териб бердилар. Бу йилги пахта хирмонини барпо қилишда тележкачилар, пункт ходимлари яхши меҳнат қилмоқдалар.

Ҳали далаларимизда ҳосил кўп. Меҳнат билан етиштирилган ҳар чаноқдаги дурдонани қадрлаймиз ва унинг сўнгги граммини ҳам нобуд қилмасдан териб олиб, давлатга тоширамиз. Бу йил район бўйича ҳосилдорлик гектар бошига 42 центнерга етади. Умумий ҳосилдорликни эса 55 минг тоннадан ошурамиз. Бу, партиямизнинг шонли XXV съездига муносиб армуғонимиз бўлади.

О. РАЖАБОВ,
Бируний район партия комитетининг биринчи секретари.

ШОЛИКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Хоразм область Хонқа районидаги Ал Хоразмий номли совхоз шоликорликка ихтисослаштирилган. Бу хўжалик областнинг деярли барча хўжаликларини навли, районлаштирилган, тезпишар, об-ҳаво ва иқлим шароитига мослашган саралланган уруғлик билан таъминлайди.

Шоликорлар шу кунларда бир йиллик ҳалол меҳнатга якун ясамоқдалар. КПСС XXV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашаётган миришкор-деҳқонлар ҳамма майдонларда юқори ҳосил етиштирдилар. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, бу йил совхоз бўйича ҳар гектар майдондан 61 центнердан шоли ҳосили олинади ва давлатга 20 минг тоннадан кўп шоли топширилади. Далаларда ҳосил кўп. Унинг бир граммини ҳам нобуд қилмай тезкорлик билан ўриб-йиғиб олиш, тайёрлов пунктларига юқори сорт билан етказиб бериш, хўжаликнинг ички эҳтиёжи учун уруғлик фонди ажратиш шоликорларнинг муқаддас бурчига айланди.

Совхоз коллективи орасида партия XXV съезди шарафига қизғин давом этаётган социалистик мусобақада коммунист Николай Хан бошлиқ бригада аъзолари пешқадамлик қилмоқда. Бу бригадада ҳосилдорликни ўтган йилдагидан бир ярим баравар кўтариш, она-Ватанга ҳар қачонгидан кўп ва юқори сорт шоли етказиб бериш йўлида тутилмоқда.

Суратда бригада бошлиғи Н. Ханни кўз илғамас шоли пайкалидаги катта хирмон ёнида кўриб турибсиз. У уруғлиқ участкасидаги шоли бошоқларини қўлдан кечирмоқда.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

ҚУВОНЧ САТРЛАРИ

СИРДАРЕ. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). «Иржарсовхозстрой» трести коллективи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажарди. Ҳаммаси бўлиб 118 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Пландан ташқари 21 минг квадрат метр кўп қурилиш объектлари фойдаланишга топширилди. Бу ғалабага 16, 17, 37-механизациялашган кўчма колонналарнинг қурувчилари катта ҳисса қўшдилар. Бунёдкорлар КПСС XXV съезди шарафига планга кўшимча 2,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажаришга аҳд қилдилар.

* * *

ТОШКЕНТ. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг кўп минг кишилик коллективи КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун интилиб, тўқиннинчи беш йиллик топшириқларини барвақт ошириб адо этди. Беш йиллик бошидан буен маҳсулот ишлаб чиқариш пландагидан 30 процент, кон ишлари ҳажми бир неча баравар ошди. Комбинат ишчи-хизматчилари Улуғ Октябрнинг 53 йиллиги меҳнат вахтасида туриб, ой охиригача топшириқдан ташқари яна қўплаб ер ости бойликлари қазиб олишни мўлжалламоқдалар.

* * *

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигидан хушхабар олинди. Министрликнинг халқ бадиий ҳунармандчилиги республика саноат бирлашмасига қарашли Бухородаги Октябрь 40 йиллиги номли зардўзлик буюмлари, Шаҳрисабздаги «Ҳужум» ва Тошкент мусиқа асбоблари экспериментал фабрикалари коллективлари беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажардилар. Бирлашма коллективининг умумий ишлаб чиқаришда зафар қучган корхоналарнинг ваниллари сўзга чиқиб, КПСС XXV съезди шарафига яна ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилишга сўз бердилар. Тошкентлик И. Колесников, шаҳрисабзлик М. Муҳаммадиева, Ю. Бердиева, бухоролик М. Темирова, Т. Шарипова сингари илғор ишчилар съезд очиладиган кунга қадар 1976 йил биринчи квартал топшириғини бажаришга бел боғлашди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ИНТИЗОМНИ БУЗГАНИ УЧУН

Тошкентлик газетхон С. Мирзаев редакцияга йўллаган хатида трамвайларнинг график бўйича йўлга чиқмаётганни, натижада йўловчилар қимматли вақтларини транспорт кутиш билан ўтказаётганлиги тўғрисида хабар берган эди.

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли 2-трамвай депосидан олинган жавобда таъкидланишича, хатда кўрсатилган фактлар текширишда тасдиқланган. Хат трамвай ҳайдовчилари ўртасида атрофлича муҳокама қилинган. Йиғилишда меҳнат ва молиявий интизомни мустаҳкамлаш тадбирий чоралари кўрилган ҳамда ишлаб чиқариш интизомини бузганлиги учун ҳайдовчи З. Хўжаев ишдан олинган.

ОДАМ ҚАНДАЙ ТОБЛАНДИ

Иброхим РАҲИМ

(Шу номли романдан парча)

Тўйнинг «бўлади-бўлади»си қизиқ. Айниқса, катта коллектив қиладиган гигант иншоот тўйининг «бўл-бўли» ҳеч кимга тинним бераётгани йўқ. Ташқаридан қараган кўз бу ҳолатни «штурмбозлик» деб баҳолаши ҳеч гап эмас. Сиртдан штурмбозликка ўхшаса-да, аслида қурилишимизнинг табиати шунақа. Сал тойилсанг графикдан чиқасан, графикдан чиққанинг — орқада қолганинг.

Ҳеч ким орқада қолишни истамасди.

Яқиндагина Ҳуриддин билан Зобир бригадирнинг йўл-йўлакай қочирим гапларини эшитган эдим. Уларни қидириб бордим

Кенг майдонда чанг-тўзон кўтариб, тариллаб-вариллаб тракторлар юрар, уларнинг кўтарган чанглари орасидан чиқиб самосваллар қаёқларгадир шошиларди.

Кўзларим аланг-жаланг. Негаки, катта майдонларда, кенг қўламда қизғин иш борар, саноқсиз одамлар гимирлаб тинимсиз меҳнат қилардилар.

Уларнинг ҳар бири билан қучоқлашиб кўришгим келади, аммо, уларнинг мен билан ҳеч ишим йўқ, ҳамма ўз юмушинигина биларди.

Ниҳоят, бош корпуснинг мармар зиналарида мен. Бу зиналарни Зобир бригадир билан бирга бундан уч йил илгари биринчи энергоблокни ишга солиш арафасида меҳр-муҳаббат билан битталаб ва аваллаб ётқизганмиз.

Ана... йилма-йил, кетма-кет ишга солган турбиналаримиз гумбирлаб нур ҳосил қиляпти-да, юқори вольтли симлар орқали олисларга узатиқда. Оқ халатли оператор пульт бошқармасида китоб ўқиб ўтирибди. Унинг ҳам мен билан қора чақачалик иши йўқ. Қалбимда тўлиб-тошаётган қувончдан эса, мутлақо бехабар.

Хизматдаги блокларнинг биқинида биринчи навбат қурилишнинг якунловчи ва кенжа блоки пардозланмоқда эди. Уни бешала монтажчилар бригадаси пардозлаяпти.

Узум новдаларига ўхшаб ҳар томонга ёйилиб кетган металлконструкцияларнинг ўргимчак уясидай чигал тўқималари ва қат-қат узелларида асалга ёпишган ариндай монтажчилар гимир-гимир ишларди. Металларнинг таниш оҳанги, кавшарчиларнинг гувур-гувури, димоққа сингиб қолган карбарун ва кислород ҳидларидан кўзларим мошдай очиларди.

Ниҳоят Зобирнинг — энг биринчи устозимнинг бригадасидаман.

Зобирнинг бригадаси тоғ ер остида, тоғ ер устида блокларнинг ишлаб чиқариш фундаментларини қурар, ундан кўли бўшаган чоқда, бир зум ҳам қараб турмай уйжой қурилишига ўтарди. Базан Зобир бригадирнинг одамлари икки-уч жойда баббаравар иш олиб борарди. Шунинг учун унинг комплекс бригадаси «универсал бригада» деб ном чиқарди.

— Зобир бригадир қаерда?

— Ўнинчи беш йиллик объектида.

«Ўнинчи беш йиллик объекти» деб Нурхонанинг иккинчи навбат қурилиши майдонларини айтадилар. Аслида, билишимча, иккинчи навбат қурилиши ўн биринчи беш йилликлар даврида бошланиши мўлжал қилинган эди. Уни тўққизинчи беш йилликдаёқ бошлаб юборадик. Космос даврининг суръатига мос, Фунтиков—Нусратовчиларга хос бу суръатни ҳар ким ҳар хил таъриф лади, аммо, Зобир бригадир уни «Йигирма тўртинчи съезд қудратию, йигирма бошнчи съезд шарофати» деб атади.

Ҳақиқатан ҳам Зобир бригадир ўзининг барча ютуқларини йигирма тўртинчи съездга бағишлади.

Чунки бу беш йиллик фақат Зобир бригадаси учун эмас, ҳаммамиз учун алк одимлар, юксак суръат, марралардан марраларга сакраш йиллари бўлди.

— Хорманг, сакровчи экскаватор! — дедим Зобир бригадирни иш устида учратиб. — Ҳар қанча сакрасангиз ҳам баландга сакрайверинг, аммо, менга ўхшаб баланддан пастга сакраб юрманг! Мен туфайли бригадамиз ҳамон эски белгида юрибди. Сиз эса ўнинчи беш йилликка ўтиб олибсиз.

Зобир бригадир лабини тишлаб, ўйланиб қолди. У ўйланса бир нуқтага қараб жим туравераради. Ҳозир ҳам шундай қилди ва нима учундир менинг кўзларим унга ўша нуқталар объекти бўлиб қолганда. Назаримда, у менинг кўзларимдан нималарнидир қидираётгандай эди. Менинг ҳолатимни сезди-да:

— Бир нарса мени жуда ташвишга соляпти, Эркинжон! — деди. — Ўшани ўйлаганим ўйлаган...

— Нима экан?

— Ўнинчи беш йиллик сифат беш йиллиги бўлади, деб юрибмиз. Бугун кечагидан кўра яхшироқ, пухтароқ ишлашга ураняпмиз. Аммо, ўз ишимдан кўнглим тўқ эмас!

— Нега, ҳамма Сизни сифат устаси деяпти-ку.

У ихчам ўтириб олиб, гапида давом этди:

— Йилдан йилга техника ўсяпти: Эҳтимолки, келаси беш йилликда сифат белгиси тушунчаси ҳам, ўлчови ҳам ўзгариб қолар. Янгичаси чиқиб қолар. Саккизинчи беш йилликда «Злобинча ишлаш усули» йўқ эди-ку. Энди бор. Мана Ҳуриддин ҳам шу туфайли «Фахрий тахта»да гердайиб турибди. Беш йилдан кейинги устадар бизнинг ишимизни «дақиқи юнусдан қолган»га чиқариб устимиздан кулмасмикин?

Назаримда, Зобир бригадирнинг ҳаёлида нимадир, қандайдир муҳим бир фикр етилмоқда эди. Аммо, ўша фикрни ўртага ташлашдан қўрқарди. Чунки, чамалаб қарасам унинг ҳаёлида гимирлаб юрган фикрлар ҳали унинг ўзига хом-хатала ҳаёлга ўхшаб кўринарди.

— Талаб шунга бораяпти, — деди Зобир ака ўйланиб, — Злобинча ишлаш усули ҳам қаноатлантирмайди. Ҳам суръат, ҳам сифат, ҳам катта кўламда бир йўла қуриб кетадиган қурилиш индустрияси керак! Ўнинчи беш йиллик саноатидан ана шунақа «қурилиш индустрияси» кутяпман!

— Иштаҳа катта-ку! — деди унинг мусобақадоши Ҳуриддин.

Ҳуриддин «универсал бригада»нинг қалдирғочи бўлса ҳам, Зобирнинг таълимидан чархланган бўлса ҳам ичдан унинг ютуқларига рашк қилар, нега менинг бригадам Зобирнинг бригадасидай илғор эмас, кўрсаткичларимиз уникидан паст, деб ачинарди.

Ҳуриддин ўзининг бу саволларига ўзи жавоб топишга ўринарди. Кунларнинг бирида у Зобирнинг бригадасида бутун кун бўйи меҳмон бўлди. Бекорчи меҳмон эмас, мусобақадошлик меҳмони бўлди. У Зобирнинг ёнида юриб, устоз бригадир нима қилса разм солиб, унинг иш услубига кўз-кўлоқ бўлиб, баъзи ишларни блокнотга ёзиб, баъзиларини кўз тагига олиб қўйди. Ҳуриддиннинг назарида Зобир бригадир бутунлай янгича ишламоқда ва бу усулини илгари атайлаб Ҳуриддиндан яширяпти ва ўргатмаяпти.

Йўқ, Зобир бригадир илгари ҳам бригада ишларини шу усулда уюштирар, шу суръатда ишларди, аммо, бунга Ҳуриддин эътибор бермас эди. Чунки, Ҳуриддин ўзини бригаданинг ўнинчи ёки йигирманчи кишиси сифатидагина сезар, ўз зиммасидаги ишигина бажарар, тўғрироғи елкасидаги юки ёлғиз отнинг юки бўлиб масъулияти ҳам ёлғиз одам масъулияти эди. Унинг елкасига кўпчиликнинг хуржуни тушгач, у босган иши бошқа аршин билан ўлчаби. Зобирнинг кўзига ўз бригадасидаги ҳамма кўзлар билан қараб, кўпчиликнинг аршини билан ўлчашга ўрганди. Кўпчиликнинг аршини эса, унга катта одимлаш ва ҳамиша олга интилишга чорларди. Уни «Биз ҳам Злобинчасига ишлаймиз!» деган хулосага келтирган куч ана шу кўпчиликнинг аршини бўлди.

«Злобинча ишлаш»га ўтиш учун Ҳуриддин ўз бригадасини қайтадан тузиши, уни ҳудди Зобирникига ўхшатиб «универсал» қилиб олиши, яъни, ер қазувчидан тортиб, бетончию тунукачи, дурадгору бўёқчигача турли ҳунар кишиларидан бир зарбдор мушт қилиб олиши керак эди. У шундай қилди ҳам.

«От олсанг тишини кўриб ол» деган мақолга амал қилгандай Ҳуриддин бригадага нуқул ёшларни саралаб олди ва ҳар бирини маҳсус суҳбатдан ўтказаётиб «ҳар йигитга қирқ ҳунар ҳам оз, сен қирқ биринчи ҳунарни ҳам эгаллаб олишинг керак. Злобинча ишлашнинг маъноси шу!» деб қўтирди. Ҳуриддин худди шу гапни бригадасига Комил Бердиевнинг ихтиёридан келган ҳар хил ишчи йигитларни қабул қилаётганда ҳам такрорлади.

Комил Бердиев «ҳар хил ишлар» бригадасининг энг яхши йигит-қизлари ихтисос эгаллаган сари турли бригаталарга учирма бўларди. Ўшалар қатори Холдор Оллаберганов ҳам Ҳуриддин қўл остида бирданига икки хил иш бажара бошлади. Кейинроқ унга Ҳуриддин учинчи, тўртинчи хил мутахассислар қиладиган юмушларни ҳам топириб қўйди. «Қурувчига қирқ бир ҳунар ҳам оз!» дер эди у ҳар гал унга янги хил иш топираётган пайтда. Шу боисдан у янги бригаданинг қайноқ қозонида бошқатдан тобланишга мажбур эди. Чунки, Ҳуриддиннинг ихтиёридаги ўттиз тўққиз киши олти қаватли «Маъмурий ва лабораториялар биноси»ни ҳеч қандай субподрядчисиз, ипидан инпасигача қуриб беришни зиммасига олганди. Подвалдан тунука томгача, полдан шипгача ва санузелдан бўёғигача бутун бошлиқ уй шу бригаданинг қўлидан чиқиши шарт!

Ҳуриддин бу ишларни Зобирнинг кўрсаткичидан кўра тезроқ қилишга ўринарди.

Катта тўй арафасида айниқса монтажчиларнинг оёғи ерга тегмай қолди. Бизнинг ишимиз айниқса тиқилинч бўлди. Чунки, бўяртмачиларнинг айби билан монтажимиз бир ярим ойча орқага сурилиб кетган эди. Ҳам оширилган мажбурият, ҳам ўтиб кетган бир ярим ойлик фурсат жадал суръатли шиддатли ишда бартараф қилиниши керак эди.

Монтаж ишлари «йигирма бешинчи белги»да борарди. Бош қашлагани қўл тегмайдиган палла. Ўчакишгандай шу долзарбда яна бир монтажчимиз селитрали қовундан заҳарланиб, касалхонага тушди. Ғазабим халқумимни бўғиялагандай бўлди. Пишиқчиликни бетоқат кутган одамлар ундан роҳат ўрнига заҳар ютса яхши эмас-да! Ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ менга алам қилгани шундаки, бу хабар аввало Жўрахон фожиасини яралаган юрагимни қайта тирнади, қолаверса, энг яхши монтажчининг иш ўрни бўш қолди.

Аламимга чидамай монтажчи жабдуқларини елкамга осиб, йигирма бешинчи белги чўққисига ўзим кўтарилдим.

Қисматнинг энг оғир кўргулиги тўртинчи блок пештоқининг ана шу йигирма бешинчи белги чўққисида юз берди...

...Бу кўргулик ҳам бор экан тақдирда...

Ҳаёлим кейинги кўнгилсиз воқеалар билан банд эди. Кўзим олди-да ҳамон рақибим Бердиевнинг газандадай гезариб туриши... «Бетинг қурсин сени, беюз» дер эди унга ҳаёл.

Муҳаббат қурбони бўлган Жўрахоннинг онаси айтган сўзлар ҳам қулоғимдан нари кетмасди.

Ҳаёлим бир жойда тўхтамасди. У айланиб яна селитрада семирган қовун ҳақида, энг яхши монтажчимни кўрпага ётқизган заҳарли қовунни эккан қўлинг сиғгур ғирром, ноинсоф деҳқон тўғрисида беҳаҳм мунозара юргизарди. Яхшиямки, Барақабой бор, бўлмаса мен ҳам севгилим Ҳуриқиқони селитрали қовун-тарвуз билан боқардим...

Кейин нима бўларди?...

Кўрсатмасин, Ҳуриқиқо селитрада заҳарлангудай бўлса ҳомиласи нима бўлади?..

Чақалоқ...

Ногаҳон кўзим пастга ташландию тинди...

Монтаж камарини пештоқ темирига боғлашни унутган эканман, буни мен тепадан пастга қулаганимдагина сездим.

Ҳавони балиқдай сув қилиб сузиб, пастга шўнгиб борардим. Яхшики ҳушимни йўқотмадим. Ҳаёлим ўзимда. Одамларнинг қий-чувларини ҳам эшитиб турибман. Ҳамма менинг, фожиамдан ларзада...

Ҳайқириқлардан мени ҳам ваҳима босди.

Ҳаёлдан тез, ҳаёлдан зуд ҳеч нарса йўқ, дунёда! Буни мен ўз жисмимда сезиб, ўз бошимдан ўтказдим. Ҳаёл ўқдан ўтқир, нурдан тез, фазодан ҳам кенг экан, ўртоқлар!

Терак бўйи баландликдан пастга қулаб тушиш кўз очиб юмиш билан баббаравар вақт дегани ҳолос, Аммо, шу орада ҳар бир киприк қоқиш асносида учиб ўтган ел зарраларининг заррасича микра лаҳза заҳотида ҳаёлга олам-олам фикрлар келиб кетаркан.

Шу аснода мен йигирма беш йиллик ҳаётимда босиб ўтган машаққатли йўлларимнинг ҳаммасини кўзим қорачиғи экранида қайтадан кўрдим.

Кўз ўнгимда Ҳурилико намоён бўлди. Унинг сочлари ёйиқ, ковоқлари шишган, мижжаларига шилинган, фарёди оламни бузади. «Дод, мени ташлаб қаёққа кетяпсан, Эркиним!» дейди унинг қулоғимга кираётган овози.

«Туғилиш бор — ўлмоқ ҳақ... ўлмоқ бор, туғилиш ҳам бор... Суратимни ота деб юради мендан кейин туғилган фарзандим...

Яна нола... яна ҳайқириқ...

Ниҳоят, пештоқ тепасида гумбурлаб ишлаётган генераторлар атрофида, пастда, бутун қурилишда кўтарилган ҳайқирик садолари, қий-чув ваҳималари «кўзингни катта оч! кўзингни оч!» дегандай акс-садо берарди.

Ҳаво бўшлигида тўё сувда сузаётгандай қўлларимни, оёқларимни қимирлатиб, жонли планердай гавдамни идрок билан бошқардим ва пештоқ остида уйиб қўйилган тупроқни мўлжал қилдим. «Тупроққа ташлансанг соғ қоласан» дер эди ҳаёл.

Шу он кўзимга йилт этиб сув кўринди. Бу сув эмас, ГРЭСнинг иккинчи навбати котлованида яралган сунъий ҳовуз эди.

«Таваккал!» деб қўмонда берди фикрим. Нима бўлишини билмайман. Бошқа илож ҳам йўқ. Цирк майдони эмаски, ўзимни сеткага ташласам. Ё тупроқ, ё сув... уларнинг атрофи тош, бетон, темир-терсак, қоришмалар... Ана... ана шуларнинг устига топиллаб тушишдан асрасин!

Топиллаб тушганимни биламан, бошқа ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Кўзимдан иккита чақмоқ чиқдию бир ҳовуч аланга пешонамдан нарига учди.

Қора ерга ботиб кетдимми, сувга чўкиб, балчиққа кўмилиб қолдимми — ўёғини билмайман.

Шу жойда онгли ҳаёлим йўқолиб онгсиз, фикрсиз, ноихтиёрий вос-вос алақсиралари бошланди, аммо, мен уларнинг бирорта таҳлитини ҳам ёдлай олмайман.

ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Районимиз меҳнаткашлари беш йилликнинг якунловчи йилида она-Ватанга 75 минг тонна пахта ва бошқа хилма-хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширишга аҳд қилган эдилар. Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг бутун диққат ва эътиборини ана шу юксак вазифаларни тўла-тўкис адо этишга қаратдилар. Коммунистлар ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига тайин этилди. Дала командирлари — бригада бошлиқларини танлаш тарбиялашга алоҳида эътибор берилди. Хўжалик раҳбарлари мутахассисларнинг тоширилган иш учун масъулиятлари оширилди.

Пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун қатъий белбоғлаган колхоз ва совхозларимиз фидокорлари жасоратли меҳнатлари туфайли бутунги кунда ажойиб самараларга эришдилар. Давлат омборларига 58 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилиб, йиллик пахта тайёрлаш халқ хўжалик плани ортиги билан адо этилди. Бу ҳосилнинг 11 тоннасини уруғлик пахта ташкил этади. Ҳосилнинг деярли ҳаммаси биринчи сортларга топширилди.

Ҳамма вақт бўлгандек, бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштиришда механизаторлар меҳнати гоят самарадор бўлди. Дала гвардиячиларимиз етиштирилган ҳосилнинг 20 минг тоннадан ортиқроғини «зангори кема»лар билан териб бердилар. Шу ўринда «Ёзёвон» совхозининг механик-ҳайдовчиси Раҳимжон Аҳмаджонов ҳақида икки оғиз сўз айтиш жоиздир. Бу механизатор терган пахта 200 тоннадан ошиб кетди. Мирфозил Аббаров, Муҳаммад Хўжаев каби «зангори кема» капитанлари ҳам ўз бункеридан қариб 200 тоннадан пахта тўкишиб, совхоз хирмонига баракали ҳисса қўшишди.

Биз барча хўжаликларда социалистик мусобақанинг натижалилиги ва таъсирчанлиги учун курашдик. Ер борада коммунистларимиз алоҳида ибрат кўрсатмоқдалар. Шу кеча-кундузда ҳам бир ярим мингдан зиёдроқ коммунистларимиз бевосита йиғим-терим ишларида қатнашиб меҳнаткашларни янги-янги зафарларга даъват этмоқдалар. Йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ кўп минг килограммчи теримчилар мусобақаси авж олиб кетган эди. Бу мусобақада одатдагидек ўт юрагини ёшларимиз, неча минглаб комсомол йигит-қизларимиз ўзларини кўрсата олдилар. М. Усмонова, Х. Ҳамроқулова, С. Саидова, Х Убайдуллаева каби минглаб теримчиларимиз 5 тоннадан 11 тоннагача пахта териб мавсум нормаларини ортиги билан адо этдилар. Улар шу кунда ҳам хирмонимизга барака киритишяпти

Районимизнинг салмоқли пахта хирмонини бунёд этишда йирик Фрунзе номли колхоз деҳқонларининг ҳиссаси катта бўлди. Бу хўжалик Ватанга 9000 тонна қиммматбаҳо хом ашё армуғон этди. «Ёзёвон» совхози ишчилари эса 8100 тоннадан ортиқ «оқ олтин» хирмони уйдилар. «Шарқ юлдузи», «Октябрь 50 йиллиги», «Ўзбекистон», «1 Май» колхозлари ҳам маррага барвақт етиб келди.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, районимиз меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликни яхши якунлашмоқдалар. Давлатга 309 минг 60 тонна «оқ олтин» армуғон этилиб, беш йиллик халқ хўжалик плани ортиги билан бажарилди. Ватанга планга қўшимча равишда 27 минг 100 тонна пахта топширилди. Шунингдек, гўшт, сут, жун, мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари сотиш юзасидан белгиланган беш йиллик планлар ҳам тўлиқ адо этилди. Шу кеча кундузда районимиз меҳнат аҳли янги орзу-истаклар билан нафас олмоқдалар. Пахта далаларида мавжуд ҳосилни чамалаб кўриб яна давлат хазинасига 17 минг тонна пахта топширмиз деган қарорга келдик. Бу — янги мажбурият, янги марра. Аҳдига вафодор районимиз деҳқонлари бу довондан ҳам ошиб ўтадилар.

Кўриниб турибдики, эришган ютуқларимиз қувонарли. Аммо район меҳнат аҳли бу билан қаноатланиб қолмайди. Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили ғазиналарини яхши ҳис этамиз. Шунинг учун ҳам келгуси йил мўл ҳосилга замин яратиш тадбирларини кўраяпмиз

Ғ. ПЎЛАТОВ,
Охунбобоев район партия комитетининг биринчи секретари.

ДОН ТАЙЁРЛАШ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

НУКУС. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Қорақалпоғистон Автоном Республикаси галлакорлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, ғалла етиштиришда катта ютуқларга эришмоқда. Бу муваффақиятга «Қарақалпақирсовхозстрой» бошқармасига қарашли нахтисослаштирилган Чапаев номли, «ВЛКСМ 50 йиллиги», «Партия XXII съезди» шоличилик совхозларининг қўшган улуши жуда катта бўлди.

Автоном республика галлакорлари КПСС XXV съезди шарафига социалистик мусобақани кенгайтириб бориб, шоли, маккажўхори топшириш ишларини қизғин давом эттирмоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУҲБИР—КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг октябрь ойи сони «Резерврларни ишга солиш—муҳим иш» сарлавҳали бош мақола билан очилади. Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. Хайдуров «Беш йилликнинг голибона марралари» сарлавҳали мақоласида область меҳнаткашларининг КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун қилаётган ишлари тўғрисида ҳикоя қилади. Журналнинг «Тажриба. Ташаббус» бўлимида «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг ёритилиши мавзуида обзор материал босилган. Журналда «Журналист ўзи ҳақида» деган рубрика давом эттирилган, «Журналистика назарияси» рубрикаси остида «Телевиденеда репортаж жанрининг баъзи хусусиятлари», «Журналист ва ёзувчилар клуби» рубрикаси остида ёзувчи ва журналист Назир Сафаров ҳақидаги материаллар ўрин олган. Журналнинг бу сонида корреспонденция жанри ҳақида ҳам батафсил маълумот олиш мумкин. Журналда шунингдек ҳикоя, шеърлар, рецензия, журналистлар ижодидан намуналар ҳам босилган.

РАССОМ ИЖОДХОНАСИДА

ТОШГА ЎЙИЛГАН ХОТИРА

Республикамизнинг иқтидорли мўйқалам соҳибларидан бири Анатолий Циглинцев жуда изланувчан рассом. Унинг мавзу соҳасидаги изланишлари яратган ҳар бир янги асарида ўз янгиликларини топмоқда. Циглинцев тошга ўйиб ишланган сўнгги литографик асарини Бутуниттифоқ аксоқоли — Михаил Иванович Калинин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлади. 18 саҳифадан иборат литографик репортаж М. И. Калининнинг Ўзбекистонда бўлиши ҳақида ҳикоя қилади.

Асарнинг биринчи саҳифаси—«Мана Осиё қандай эканд деб аталади. Рассом бу саҳифада М. И. Калининнинг «Мен бу ерга келишим билан кўпдан буён ўйлаган орзуимга эришдим. Энди ҳақиқий аҳвол, билан кенгроқ танишаман», — деган фикрини акс эттира олган.

Литографиянинг қолган саҳифалари М. И. Калининнинг Тошкент вокзалида комсомоллар, болалар консультацияси ҳонасидаги аёллар, Кизилтепа станцияси меҳнаткашлари билан учрашувларига бағишланган. Литографик варақаларда яна Ўзбекистон ССР Советларининг Бухоро шаҳрида бўлган таъсис съездига, Фарғона водийси деҳқонлари, Андижон шаҳар пахта тозалаш заводи ишчилари билан учрашувлари ўз ифодасини топган.

М. И. Калининнинг Самарқандга келиши, Самарқанддаги озодлик ёдгорлиги, Регистон майдонида бўлиши каби тарихий воқеалар махсус тошга ўйиб ишланган литографик варақаларда ўз аксини топган.

Рассомнинг литография асарларини томоша қилар экансиз, асарни яратишда санъаткор тарихий ҳужжатлар, воқеалар билан танишиб, жуда кўп архив материалларига мурожаат қилгани кўриниб туради. Рассом яна бир қанча янги мавзудаги литографик асарлар устида ишламоқда. **О. АПУХТИН.**

СУРАТЛАРДА: М. И. Калининнинг республикамизга ташриф буюришдаги кутиб олиш маросимлари акс эттирилган.

Автор фотолари.



СПОРТ

БУДАПЕШТДА РЕКОРДЛАР

Мана ўн беш йилдирки, халқаро спорт мастери тошкентлик Сергей Рибченко милтиқдан ўқ отиш мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. У ҳозирга қадар мамлакат ва Узбекистоннинг 50 дан ошиқ рекордини ўрнатган. Куни-кеча бу спортчи яна ажойиб ғалаба қозонди.

Венгрия пойтахти Будапештда социалистик мамлакатлар «Динамо» спорт ташкилотларининг спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда Сергей Рибченко учта олтин ва битта бронза медалини қўлга киритди. Рибченконинг ижки натижаси халқаро спорт мастери даражасидан ортди.

Милтиқдан ўқ отиш мусобақаларининг ўзига хос томонлари бор. Ҳар бир спортчи 5,5 соат мобайнида уч ҳолда туриб 240 мартадан мўлжални бенуқсон олиши керак.

Кичик қалибли милтиқдан — МВ-6 бўйича мусобақаларда тошкентлик спортчи 1166 очко тўплади. Кейинчалик жанговар милтиқдан нишонни аниқ олиш бўйича спортчимиз иккинчи олтин медални қўлга киритди. Нишонни тиқ туриб ўқ узиш орқали аниқ мўлжалга олишда ҳам бизнинг спортчимизга тенг келадиган рақиб топилмади. МВ-9 милтиғида эса, С. Рибченко бронза медалини олди.

Мусобақалар давомида олинган медаллар натижаси Ўзбекистон рекордидан ошиқдир. Биз ажойиб спортчи С. Рибченкога бундан кейинги мусобақаларда ҳам омад тилаймиз.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ (ТИИИМСХ)
СИРТҚИ ФАКУЛЬТЕТНИНГ
БИРИНЧИ ВА ЮҚОРИ КУРСЛАРИГА
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ, ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ, ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ, ЕР ТУЗИЛИШИ, ИҚТИСОД ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

ИНСТИТУТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: автотрактор ва қишлоқ хўжалик машиналари парки ва қурилиш мелиорация машиналарини ремонт қилиш ва уларнинг эксплуатацияси бўйича инженер-механиклар; лойиҳалаш, қурилиш ва мелиорация системаларининг эксплуатацияси, гидроэнергетик тармоқларининг ирригация иншоотлари бўйича инженер гидротехниклар; қишлоқ хўжалигини электрлаштириш бўйича инженер-электриклар, колхоз-совхозлар территориясини ташкил этиш, ҳисоб ва давлат ер фонди бўйича ер тузувчи инженерлар; сув хўжалиги иқтисоди ва ташкил этиш бўйича инженер-иқтисодчилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ЙИЛ.

Институтга танлаган мутахассислиги бўйича ўрта махсус маълумотга эга бўлган ёки шу соҳада ишлаётган ва камида 1976 йилнинг 1 мартигача 6 ой стажига эга бўлганлар ёшидан қатъий назар қабул қилинади.

Колхозлар, совхозлар, корхоналар ва муассасалар, танлаган мутахассислиги бўйича иш характерига боғлиқ ташкилотларнинг йўлланмаси билан келганлар институтга имтиёзли равишда қабул қилинади.

Институт ректори номига ёзилган аризада танланган мутахассислик кўрсатилиши лозим ва унга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), институтга кириш учун берилган характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган), 3х4 см., катталикдаги бош кийимсиз тушилган 4 дона фотосурат.

ИНСТИТУТГА КИРУВЧИЛАР: математика (ёзма, оғзаки), **физика** (оғзаки) **ўзбек ёки рус тили ва адабиёти** (иншо)**дан кириш имтиҳони топширадилар.**

ҲУЖЖАТЛАР — 15 ДЕКАБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 15 ДЕКАБРДАН 31 ЯНВАРГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР ТОПШИРИШ УЧУН АДРЕСЛАР:

Тошкент шаҳар ГСП, Кори Ниёзов кўчаси, 39-уй. Сиртқи факультет қабул комиссияси;

Янгийўл шаҳар, 2-микрорайон, Институт филиали;

Қарши шаҳар, Ленин кўчаси, 52-уй, институт филиали;

Самарқанд шаҳар, К. Маркс кўчаси, 77-уй, ўқув-консультация пункти, Нукус шаҳар, Давлат педагогика институти, ўқув-консультация пункти;

Қўқон шаҳар, Тойбўхин кўчаси, 5-уй, Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш техникуми, ўқув-консультация пункти.

Утнир РАШИД.

ПАХТАЗОР ҚУШИҚЛАРИ

ПОШШОХОН

(Хоразм область Қўшкўпир районидаги Калинин номли колхоз механик-ҳайдовчиси, Узбекистон ССР Олий Совети депутати Пошшохон Ҳаббиева-га).

Даламизнинг донгдор қизи,
Нур билан дур босган изи,
Тўғдек хирмон кўзлар кўзи,
Бахти—тахти бор Пошшохон,
Асил пахтакор Пошшохон.

Пахтазорнинг маликаси,
Ҳам жонкуяр ёр—бекаси,
Ўзи терган зар эгаси,
Бахти-тахти бор Пошшохон,
Асия пахтакор Пошшохон.

Унга аён ернинг сири,
Яшнар олтин эккан ери,
Шарбат бўлиб томар тери,
Бахти-тахти бор Пошшохон,
Асил пахтакор Пошшохон.

Нурга тўлди кенг даласи,
Келди терим авж палласи,
Тинчитмайди ахд марраси,
Бахти-тахти бор Пошшохон
Асил пахтакор Пошшохон

Зангор отн кишнаб чопар,
Мўл хирмонга бу йўл—
сафар.

Шу йўлда у обрў топар,
Бахти—тахти бор Пошшохон
Асил пахтакор Пошшохон.

ДУР ТЕРИБ

Мен кезарман дур териб,
Ҳам нур териб,
Узгинам сепган бу дурга
Боқаман кўнгил бериб.

Дурнинг, маржонгинам,
Тўлдинг даламга нур сочиб,
Сен менинг бойлигимнам,
Кутдинг мени кўксинг очиб.

Кел, дединг, бағринггга
кирдим,
Тер, дединг, тердим чунон,
Сен вафо қилдинг менга,
Очдинг туганмас катта ион.

Бу вафога мен вафо
Бирлан қошингдан
жилмадим.

Бу сенга ҳурматим ё
Ошиқлигимму билмадим.

Меҳнатим, меҳрим ўти
Қўймас, сенга парвонаман.
Очилиб нурсанг сенга,
Хумор нишидан қонаман.

Мен борарман дур териб
Ҳам дур териб, ҳам нур
териб.

Узгинам сепган бу дурга
Боқаман кўнгил бериб.

ДАЛАДА ИШЛАЁТГАНЛАР УЧУН

Қизилтепа район матлубот жамияти савдо ходимлари далада ишлаётганлар учун ҳар качонгидан ҳам яхшироқ хизмат кўрсатаётирлар. Йиғим-теримнинг ҳозирги долзарб дамларида район хўжаликларида 11 сотувчисиз ва 22 кўчма дўкон, ўнлаб магазинлар ишлаб турибди.

Савдо ходимларидан З. Омонова, М. Мақсудов, З. Мирзаев, Р. Шодиева ва М. Аннақуловлар пахтакорларга намунали хизмат кўрсатиш, туфайли ҳурмат-эътибор қозондилар. Ҳар куни далада ишлаётганларга 35-40 минг сўмлик саноат, озиқ-овқат ва хўжалик моллари етказиб берилмоқда.

Бундан ташқари район матлубот жамияти правлениеси колхоз ва совхозлар дала шийпоналарини 30 минг сўмлик турли хил инвентарлар ва минглаб китоблар билан таъминлади.

И. САЛИМОВ.
пенсионер.

РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

ТАФАККУР ТИҒИНИ ПЕШЛАБ...

«Совет Узбекистони» газета редакциясида етакчи олимлар, йирик мутахассислар, ажойиб таҳдирли кишилар ҳамда республикамизга ташриф буюрган машҳур арболари билан қизиқарли учрашувлар бўлиб туради.

Яқинда Узбекистон ССР шахмат федерацияси президиуми раиси муовини, СССР спорт мастери, республикада хизмат кўрсатган тренер, тарих фанлари кандидати Мамажон МУҲИДДИНОВ журналистлар даврасида шахмат оламидаги янгиликлар ҳамда республикада шахматчиликни янада ривожлантириш масалалари ҳақида гапириб берди. Қуйида унинг республика шахматчилиги ҳақидаги айрим мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

«Чиндан ҳам, авлодларга ҳамроҳ бўлиб, ёшу қарини, мутафаккиру, ижодкорларни, солдату лашкарбошиларни ўз байроғи остида тўплаб, асрлар ва қитъалар ошиб етиб келган бу ўзи қанақа ўйин? Асрлар давомида ўрганилса-да, сир-асрорини ҳали ҳам пиҳон тутувчи, шунси билан абадийлигини асровчи ажабтовур мазмундор оламни бунёд этган бу ўйиннинг ўзи нима?».

Бу сўзлар яқинда 50 ёшлиги кенг нишонланган машҳур совет драматурги Леонид Зорин қаламига мансубдир. Шахматга бўлган чин садоқати туфайли у «Гроссмейстер» фильмининг сценарийсини ёзди. Шахматчи ижодига бағишланган бу илк бадиий фильм жаҳон экранларида кўрсатилиб, кенг жамоатчилик таҳсинига сазовор бўлганлигининг боиси ҳам шунда.

Ирода, шижоат, меҳнатсеварлик, мақсад сари тинмай интилиш янглиг ажиб фазилатларни камол топтиришда шахмат ўйинининг роли бениҳоя каттадир. Шахмат мустақил тафаккур қилиш ва ижодкорликни ўстиришга кўмаклашади. 1974 йилнинг бошларида Москва Давлат университетининг механика-математика факультетида «Шахматга турлича нуқтаи-назар билан ёндашганда» деган мавзуда мунозара ўтказилди. Унга раҳбарлик қилган машҳур олим, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик А. Ю. Ишлинскийдан: «Шахмат, унинг сир-асрорини билиш учун шунчалик куч сарфлашга арзийдими ўзи?», деб сўраганларида, у:

— Арзийди, — деди, — чунки шахмат инсонга у сарфлаганидан кўра кўпроқ наф беради. Шахматнинг маданий-тарбиявий аҳамияти ҳақида жуда кўп фикрлар айтилган. Чунончи, «...Шахматнинг кенг ёйилиши халқимизнинг юксак маданият кўрсаткичларини ифодалайди», дейишган эди машҳур совет академиклари С. Соболев билан С. Вавиловлар.

Совет ҳокимияти йилларида шахмат қадимда сарой ва мадраса ҳужжаларн, бозор ва кулбаларда ўйналадиган ўйиндан оммани кенг севган машғулоти даражасига кўтарилди. Бу, аввало партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган ғамхўрлик, қолаверса республика спорт ташкилотлари, тренерлар ҳамда етакчи шахматчиларимизнинг жонбозлиги самарасидир. Шу билан бирга ҳали оммавийлик ва маҳоратни оширишнинг ҳамма резерзлари ишга солиниган, деб бўлмайди. Шу ҳақда мулоҳаза юритмоқчимиз.

Болалар тарбиясига бағишланган асарлар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси Б. А. Сухомлинскийнинг «Қалбим болаларга ҳадя» деган китоби алоҳида ўрин тутади. Машҳур педагог фикрлаш маданиятини тарбиялаш-ўстириш тўғрисида гапириб, шахматга жиддий эътибор беради. Чунончи, ўз тажрибаларига таяниб, у шундай дейди:

«...Ўғил ва қизлар жон деб шахмат тахтасига яқинлашар эдилар. Шахмат ўйини фикрлашни тартибга солар, ҳаёлни бир жойга тўплашга кўмаклашар эди. Бу муҳими эса хотирани кучайтиришдир... Шахмат тахтаси менга Люба ва Павелдаги математик тафаккурни намоён этишга ёрдам берди. Шахмат ўйинига қадар (бу болалар учинчи синфда ўйнай бошлаган эдилар) мен улар тафаккуридаги ўткирлигу тиришқоқликни сезмаган эдим. Ақлий қобилиятларни ва хотирани бекаму кўст тарбиялашни шахматсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шахмат ўйини ақлий маданиятнинг бир бўлаги сифатида бошланғич мактаб ҳаётига кириши даркор... Шахмат — изчил мантиқий тафаккур қилишнинг ажойиб мактабидир».

Бу тажриба мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида муваффақият билан такрорланмоқда. Бизда ва чет элларда ўтказилган педагогик психологик ва физиологик текширишлар, 5-6 яшар болалардаги билимларни ўзлаштириш ҳамда умумий ўсишнинг потенциал руҳий физиологик имкониятлари ҳозиргача фараз қилинганидан кўра анча юқори эканлигидан далолат беради. Бу ўз навбатида мактабгача ёшдаги болалар ўртасида шахматни кенг оммалаштиришга йўл очади. Ҳа, фан олти яшар бола ўзини мустақил фаолият кўрсатишга вужуди билан интилувчи, деярли шаклланган шахсдир, деб ҳисоблайди.

Эндиликдз бошланғич мактаб уч йиллик бўлиб қолди. Ўқиш жараёни бойиб, «икс», «игрек» деган мавҳум тушунчалар киритилди. Аввалига ота-оналар бирмунча чўчиган эдилар. Ҳозир ҳам бу қийинчилик бартараф этилди, деб бўлмайди. Шуни ҳисобга олганда, шахмат мактабгача ўргатиладиган нарсаларни қабул қилишлар йўлида кичкинтойларга ажойиб тайёргарлик ҳамдир.

Ўзига хос шахмат оламига сайр қилиш бола ақлини мавҳум мантиқий тушунчаларни билишга, шайлашга кўмаклашади. «Жанг» қилишга қизиқиб қолган боланинг тоқатсизланмай, бир жойда ўтира олишига, диққат-эътиборини бир нарсага, айни вақтда катак тахтадаги воқеалар жараёнига қаратишига эса шубҳаланмаса ҳам бўлади. Бу жуда зарур фазилат. Шахмат ўйнайдиган болалар қунтлироқ бўладилар. Шунинг учун ҳам дарсларни яхшироқ ўзлаштирадилар.

Тафаккур тигини пешловчи воситалар сирасига кирувчи шахмат, оз вақт ичида кўп нарса қилишга ўргатади. Дастлабки пайтдаёқ фойдаси яққол кўзга ташланмайдиган шахматнинг кейинчалик ўқиш ва меҳнатда қўл келиши муқаррар. Ана шунинг учун ҳам айрим республикаларда шахмат ўқув программасига киритилиб, болалар боғчаларида шахмат ўргатиш йўлга қўйилиб бормоқда. Бизда эса ҳозирча йўқ. Мактаблар китоб фондини ташкил этишдек мураккаб тадбирни биринчилар қатори амалга оширган республикамиз учун бу тажрибани, яъни ҳозирда айрим мактаблар ўқув программасига шахмат дарслари киритиш, болалар боғчаларида шахматни ўргатиш ишларини йўлга қўйиш унчалик қийин муаммо бўлмаса керак. Ташаббус ҳамда дадиллик даркор, холос.

Студент-ёшлар — бизнинг асосий резервимиз. Лекин ҳаммаси тугул, қатто ҳар бир йирик олий ўқув юртида ҳам шахмат тренери бор, деб бўлмайди. Сабаби, жисмоний тарбия кафедраларининг айрим раҳбарлари спортнинг бу турини ёқтирмайдилар, ёйиши уни оммалаштиришга мажбур ҳам эмаслар. Чунки, шахмат олий ўқув юртларида ихтисослаштириладиган спорт турлари сирасига киритилмаган. Олий ўқув юртларида шахматни ривожлантириш учун студентларни жисмоний тарбиялаш курси программасига шахмат ҳам предмет сифатида киритилиши лозим. Шахматни «ўғай» қилаётган олий ўқув юртлари орасида аввало Узбекистон физкультура институтини тилга олиш қайталик пухуш, ғалати туюлиши турган гап.

Биз умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар, йирик қурилишлар, пионер саройлари ва уйлари қошидаги шахмат секциялари, тўгараклари, спорт мактабларининг шахмат бўлимларини кўпайтириш, уларнинг иш сифатини тобора яхшилаш билан бир қаторда айрим мактабларнинг ўқув планига шахмат дарси киритилиши-ю болалар боғчаларида ҳам бу иш йўлга қўйилишини шу кунинг талаби деб ҳисоблаймиз. Бинобарин, бунга бош-қош бўладиган мутахассис кадрлар тайёрлаш яна ҳам актуал вазифадир. Бироқ, республикамизда шахмат тренерлари тайёрлайдиган на ўқув юрти, на курслар бор. Ҳатто, республика терма командаларига устозлик қилаётганларнинг ҳам деярли барчаси бошқа касб эгаларидир. Спорт мастери ёки мастерликка номзод унвонига эга бўлса-ю, педагогика асосларини билмаса, шогирдга тузук таълим бера олиши мумкинми? Бу ва шунга ўхшаш масалаларни ҳал қилиш зарурлиги Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Жисмоний тарбиянинг аҳволи ва республика ўқув юртларида спортни ривожлантириш тўғрисида»ги қарорида атрофлича кўрсатиб берилган-ку!

Республикамизда ҳозирги замон спорт иншоотлари тобора кўпайиб бораётганини кўриб кўз қувонади. Бу оммавийлигу маҳорат калити эканлиги равшан. Яқинда матбуотда марказий «Пахтакор» стадионининг қай даражада кенгайтирилиши ҳақидаги бир хабарни ўқиб қолдим. Мукаммал югуриш йўлкачаларидан тортиб, теннис кортларигача лойиҳада бор. Бундан ҳам қувондим, ҳам бироз ранжиган жойим ҳам бўлди. Ҳа, қайта-қайта ўқиб чиқсам-да, шахмат клуби деган ерини топа олмадим. «Бор-ку, ўзи» деб эътироз билдиришлари мумкин. Бўпти мен ҳам: теннис кортлари-ю, югуриш йўлкачалари... турибди-ку» десам бетга чопарлик бўлар балки? Йўқ, шахмат даргоҳлари кўпайса, кўпайганда ҳам талаб ва дидга жавоб берадиган қилиб яратилса, уларга ҳам бошқа спорт иншоотларига бўлган диққат-эътибор берилса дейман.

Стадион территориясидаги клуб, сирасини айтганда, талабга жавоб бермай қолди. Каттароқ мусобақалар ўтказишга жуда торлик қилянти. Мастерларимиз, истеъдодли ёшларимиз мустақил шуғулланишлари учун ростмана шароит йўқ. Залларни бериб қўйса, клуб даромаддан ажрайди. Хуллас, Тошкентдек шаҳри азимда ҳам Тбилисидаги шахмат саройи, Ереванда ги шахматчилар уйи сингари бир даргоҳ қад кўтариши керак. Шундагина бизда ҳам СССР биринчиликлари, олий лига мусобақалари, улкан халқаро турнирлар ўтказиш имкони туғилади.

Область спорт комитетлари, кўнгилли спорт жамиятлари ва идораларнинг республика ҳамда марказий советлари олиб бораётган шахмат ишларини асло қаноатлантирарли дея олмаймиз. Шунинг оқибатида улардан республика терма командалари составида камдан-кам вакил бўлади. Мусобақалар онда-сонда ва жуда сифатсиз ўтказилади. Жамоатчи тренерлар ва судьялар тайёрлашнинг ота бор-у ўзи йўқ ҳисоб. Хоразм, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган областларидан республика чемпионатларига баъзан бир киши ҳам юборилмаган, қоллар бўлиб турибди. Минглаб ушшак шахматчиларга эга йирик кўнгилли спорт жамиятлари республика советлари ҳам штатли тренерга эга эмаслиги саноат корхоналари, колхоз, совхоз қурилишларда шахмат ишларини жонлантиришга имкон бермаяпти. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида шахмат бўлимлари очишга эътибор ниҳоятда сust. Областларимиздан ҳозиргача бирорта ҳам шахмат мастери етишиб чиқмаганини яна нима билан изоҳласа бўлади?

Битта мақолада барча муаммоларга батафсил тўхталишнинг имкони йўқ. Республика ва область шахмат клублари фаолиятини яхшилаш, малакали спорт судьялари тайёрлаш, шахмат бўйича ҳам ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабини очиш, актив жамоатчилар овозига дурустроқ қулоқ солиш, етакчи ҳамда истеъдодли шахматчиларимиз турмуш шароитларини яхшилаш... кабилар ҳам ҳал қилиниши зарур масалалар доирасига киради.

Газета, журнал, радиоэшиттириш редакцияларига, федерациямиз, клубимиз ва шахсан ушбу сатрлар муаллифи адресига мухлислардан кўплаб мактублар келиб туради. Чунончи, яқинда «Совет Узбекистони» газетасига йўлланган хатда Бувайда районидаги «Партия XX съезди» колхозининг аъзоси Тилаволди Абдуллаев: «...Ўтмишда ва айниқса эндиликда фан, маданият ва техника соҳасида довруғи оламни тутган вакилларини вояга етказган республикамизда гроссмейстерлар, жаҳон чемпионлари етишиб чиқишига нималар етишмаяпти?..» дебди қатъий оҳангда. Биз бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларимизни юқорида қисқача баён қилиб бердик.

Шахмат 70 ёшли академикка ҳордиқ бағишлаб, етти яшар боланинг ақлини пешлар экан, уни омма орасида янада кенг ёйиш замон талабидир. Шу асосда қобилиятли ёшлар сонини кўпайтириб, улар орасидаги республикамиз спорт шаънини янада улуғлашга қурби келадиган шахмат усталарини, гроссмейстерларни ва ҳатто жаҳон чемпионларини етиштириб чиқаришимиз даркор.

Бу СССР халқлари VII спартакиадаси ва ундан кейинги анжуманларга пухта тайёрланиш демакдир. Бу борада Коммунистик партия ва Совет ҳукумати доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бунга жавобан биз иш услубимизни такомиллаштириб, ташаббускорроқ бўлишимиз, шароиту имкониятлардан омилкорлик билан фойдалана билишимиз керак.

Редактор ўринбосари
Ж. ЖАББОРОВ.

Телевидение

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.15 — Беш йиллик илғорлари. 18.45 — Фильм-концерт. 19.05 — КПСС XXV съездига меҳнат рапортлари. 19.35 — Ўн минут музика. 19.45 — **«Ахборот».** 20.05 — **Пахтазор — мардлар майдони.** 20.20 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.** 21.15 — МОСКВА. **Футбол: «Динамо»** (Тб) — **«Динамо»** (Қ). 22.45 — **«Вақт».** 23.15 — **Эк. ран хандаси. ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ўйинчоғим — овунчоғим. 10.40 — Мультфильмлар. 11.05 — Еш киноҳаваскорлар клуби. 12.05 — «Светофор». 13.25 — Ўқитувчилар учун консультация. 13.55 — Зулайҳо Оқилова рақса тушади. 14.15 — **Уч бақалоқ** (бадиий фильм). 15.45 — Ўқув курсатуви. 16.45 — Большой театрнинг АҚШдаги гастроли (Москва). 17.35 — Кинoэкран янгиликлари. 18.00 — МОСКВА. 18.30 — Телефильм. МОСКВА. 18.30 — Телефильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Волейбол бўйича Европа чемпионати. 19.55 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳида. 20.10 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 21.15 — ТОШКЕНТ. 21.45 — **Жиноят қидирув инспектори** (бадиий фильм). 23.15 — МОСКВА. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.00 — ФРУНЗЕ.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/Х да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/Х да **Жон қизлар** (кеч. қурун).

ШАПИТО ЦИРКИДА — **МОСКВА АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (15.00, 19.00).

Кино

Хато бўлиши мумкин эмас — «ҚОЗОГИСТОН» (тоқ соатларда).

Аломат қиз — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Хусумат — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), **«ҚОЗОГИСТОН»** (жуфт соатларда).

Сўнгги ўқ: Қопқон — «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Шаҳарда икки киши — НАВОИЙ номли, **«ЎЗБЕКИСТОН», «НУКУС»** (кундуз ва кечқурун).

Завқли саёҳат (12.00, 14.00, 16.00), **Филлар менинг дўстларим** (18.00, 21.00) — **«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ».**

Жиноятчи ва унинг иши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Музика садолари — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: давлат ва ҳуқуқ тарихи, радиацион физика, одам ва ҳайвон физиологияси, атмосфера физикаси, чет эл адабиётшунослиги ва танқид (роман-герман факультети);

кафедра доцентлари: олий математика, палеонтология, умумий физика, қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи, СССР тарихи, рус адабиёти, ўзбек совет адабиёти, олий мактаблар ва таълимнинг техника воситалари педагогикаси, сиёсий иқтисод (тарих факультети), эрон-афғон филологияси, рус тили, гидрогеология, психология, табиат факультетлари КПСС тарихи, (2 ўрин);

кафедра катта ўқитувчилари: олий математика, рус адабиёти (2), ўзбек совет адабиёти, араб филологияси, инглиз филологияси (2), СССР тарихи, гидрогеология (2), табиат факультетлари КПСС тарихи;

кафедра ўқитувчилари ва ассистентлари: психология, одам ва ҳайвон физиологияси, агрономия;

проблемали лабораториялар катта илмий ходимлари: табиий бирлашмалар[1] химияси (3), чўкма формациялар ва чўкма қоғлар, (илмий даражаси);

проблемали лабораториялар кичик илмий ходимлари: табиий бирлашмалар химияси (5), полимерлар химияси (2), авиация метеорологияси, фитогельминтология, ҳисоблаш маркази.

КОНКУРС МУДДАТИ — 15 НОЯБРГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, Бош корпус, Д—107-хона, кадрлар бўлими.

●

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ
М. Т. ЎРОЗБОЕВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАРНИНГ СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Пахта териш аппаратлари назарияси лабораторияси бўйича: катта илмий ходим, кичик илмий ходимлар (3 ўрин),

КОНКУРС МУДДАТИ — 21 ноябргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, ГСП, Академиклар шаҳарчаси,

●

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
1 НОЯБРЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА СССР биринчилиги учун олий лиганинг «СПАРТАК» (Москва) — **«ПАХТАКОР»** (Тошкент) **КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА**

ФУТБОЛ

31 октябрь кеч соат 7 да дублёрлар состави учрашади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР — БИЗНИНГ АДРЕС 700.000 ГСП Тошкент «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР — Коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 20014. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 251.